



Янги - 2026 йил муборак!

№99-100 (952-953)
2025 йил 30 декабрь,
сешанба

O'ZBEKISTON

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.



Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

Янги йил

Қор заррасин тутиб қолалмас нигоҳ,
Гоҳ зарра нигоҳдан бағрим тилинди.
Қор ёғсин - ёпилсин изларинг, гуноҳ.
Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди.

Қирқ йилда бир йигит келар оламга,
Йигит юрагимни қўмма аламга.
Яна қирқ йил хизмат қилай онамга,
Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди.

Қорми - кул остида милтирайди чўғ,
Кетганлар жон узиб кетмаганлар, йўқ!
Сенга етганлар бор, етмаганлар йўқ,
Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди.

Арчажон, юмшатгил игналарингни,
Кел, ташла, аразу гиналарингни.
Қўкка чиқай босиб зиналарингни,
Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди.

Деҳқоннинг уйини тўлдир бугдойга,
Сабр бер мискинга, инсоф бер бойга.
Тинчлик, кўнглимўқлик шоҳу гадоёйга,
Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди.

Қўк тоқига ҳилочироқ илинди,
Ёруғ ғуссаларга ошно дил энди.
Киприклар ҳам оппоқ атиргул энди,
Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди.

Муносабат

Ислохотларни халқ ҳаётига яқинлаштириш йўлидаги стратегик қадам

Элдор ТУЛЯКОВ, "Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига навбатдаги Мурожаатномаси жамиятимиз томонидан катта қизиқиш билан кутиб олиниб, чуқур эътибор билан тинглади. Сўнгги йилларда Мурожаатнома йўллаш анъанага айланиб, у мамлакатни ривожлантириш бўйича устувор вазибаларни белгилаб берувчи муҳим сиёсий ва стратегик ҳужжат сифатида қарор топди.



Мурожаатнома, аввало, давлат ва жамиятни ташвишга солаётган энг долзарб масалаларга тизимли ечимлар тақлиф этилиши билан аҳамиятга эришилади. Унда нафақат хозирги ислохотларнинг мазмун-моҳияти, балки келгусидаги ривожланиш йўналишлари, аниқ мақсадлар ва уларга эришиш механизмлари белгилаб берилди. Энг муҳими, "Қандай натижага эришамиз?" ва "Бу натижалар фуқаролар ҳаётида қандай акс этади?" деган саволларга амалий жавоблар тақдим этилади.

Шу жиҳатдан, Мурожаатнома стратегик аҳамиятга эга бўлган дастурий ҳужжат ҳисобланади. Чунки унда илгари сурилган ташаббус ва ғоялар кейинчалик қабул қилинадиган давлат дастурлари, тармоқ ва ҳудудий стратегияларда ўз ифодасини топади ҳамда амалий ижро учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бу йилги Мурожаатномада ҳам энг муҳим ва ҳаётий масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, олиб борилаётган ислохотлар жамиятнинг ҳар бир аъзоси томонидан кундалик ҳаётда бевосита сезилиши лозимлиги таъкидланди. Давлат раҳбари жойларда, айниқса, маҳаллаларда инфратузилмани тубдан яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Йўлларнинг соғлиги, сифатли ичимлик суви таъминоти, обод ва қулай яшаш муҳити айнан маҳаллаларда таъминлангандагина фуқаролар давлат органлари фаолиятига реал баҳо бера олиши кайд этилди.

Ана шу ёндашувдан келиб чиқиб, 2026 йилни "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили" деб эълон қилиш ташаббуси илгари сурилди. Бу қарор ислохотларни энг кўйи бугун - инсон яшайдиган ва кундалик ҳаёт кечирадиган ҳудудларда жадаллаштиришга қаратилган бўлиб, "инсон манфаатлари - давлат сиёсатининг марказида" деган тамойилнинг амалий ифодасидир.

Мурожаатномада катта ва узоқ муддатли мақсадлар ҳам илгари сурилди. Жумладан, Ўзбекистоннинг келажакда ўз қосмонавтларини коинотга учуриш нияти борлиги кайд этилди. Бу ташаббус мамлакатда илм-фан, таълим, технология ва инновациялар соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларнинг манتيкий давоми ва рамзий натижаси сифатида эътироф этилиши мумкин.

Шунингдек, давлат бошқарувини такомиллаштириш масалалари ҳам Мурожаатноманинг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Давлат бошқарувини халққа янада яқинлаштириш, давлат хизматларини қулай ва тезкор амалга ошириш, рақамлаштириш орқали инсон омилини камайтириш, коррупция хавфини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар изчил давом эттирилиши таъкидланди. Бу эса, давлат аппарати самарадорлигини ошириш ва фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, давлатнинг очиқлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам давом эттирилиши алоҳида кайд этилди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоатчилик тузилмалари ва фуқароларнинг фаол иштироки давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда муҳим омил сифатида қаралаётгани Мурожаатномада яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Хулоса қилиб айтганда, Президент Мурожаатномаси мамлакатимиз тараққиётининг навбатдаги босқичига пухта тайёргарлик кўришга қаратилган, аниқ мақсадлар ва реал механизмларга асосланган стратегик ҳужжатдир. У ислохотларнинг мазмунини янада чуқурлаштириб, уларни ҳар бир фуқаронинг кундалик ҳаётига яқинлаштиришга хизмат қилади.

Юрт равнақига ҳисса қўшаётган фахрийларга байрам муборак бўлсин!

Козим ТУЛЯГАНОВ,
Архитектура ва қурилиш соҳасида
Фахрийлар кенгаши раиси.

Йил якуни ҳар биримиз, ҳар бир ташкилот ва жамоа учун сарҳисоб палла ҳисобланади. Бу вақтда ҳар ким ақунланган йилда амалга оширган ишларини сарҳисоб қилиб, келгуси йил учун янги режалар тузади.

Хусусан, 2025 йилда Архитектура ва қурилиш соҳасида Фахрийлар кенгаши томонидан Вазирилар Маҳкамасининг 2024 йил 17 июлдаги "Архитектура ва қурилиш соҳаси фахрийларига қулай шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 431-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда 2025 йил учун тасдиқланган иш режасига асосан, бир қатор ишлар амалга оширилди. Йил якуни бўйича кенгаш фаолиятининг натижалари ҳисоби юритилиб, давлат солиқ хизмати ва давлат статистикасига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этилди. Шунингдек, Вазирилар Маҳкамасининг 2025 йил 22 октябрдаги 666-сон қарорига асосан, кенгашга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 14-уйдаги "Тошкентбосплан ЛИТИ" ДУК маъмурий биносига зарур шарт-шароитларга эга хоналардан текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилди.

Архитектура ва қурилиш соҳаси фаолият юритиладиган 1100 дан зиёд ташкилот рўйхати шакллантирилди. Кенгаш устави асосан, 725 га яқин ташкилотда фаолият юритувчи 956 нафар номзоддан келиб тушган мурожаатлар комиссияси томонидан ўрганилиб, улардан 815 нафари фахрийлар кенгашига қабул қилинди, 112 таси рад этилди. Ўрганишлар давомида 181 та ташкилотда фахрийлар мавжуд эмаслиги аниқланди.

Бундан ташқари, "Устоз-шоғирд" анъаналари остида фахрийлар иштирокида республика бўйича соҳага оид жами 15 та олий таълим муассасаси билан 2025-2026 ўқув йили учун кўмаклаштириш режаси тасдиқланиб, 2025 йилнинг иккинчи ярмида 135 мартаба фахрийлар ҳамда 12 мингдан зиёд талабалар ўртасида "Устоз-шоғирд" эркин мулоқот шаклида давра суҳбатлари ўтказилди.



Шу билан бирга, соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш мақсадида Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилиниб, жами 548 нафар (301 та дам олиши учун ва 247 та даволаниш учун) фахрийларимиз дам олиш масканлари ва санаторияларда даволанишга юборилди. Шунингдек, кенгаш устав талабидан келиб чиқиб, 2025 йилда фахрийларнинг ижтимоий ва моддий ҳолатини яхшилаш, уларга маиший, тиббий, маданий ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш ҳамда ижтимоий сўғурта ва соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида 15 дан зиёд кенгаш фахрийлари билан давра суҳбатлари ўтказилди.

Аҳоли пунктларининг архитектура-режалаштириш, шаҳарсозлик ва архитектура соҳасини ривожлантириш бўйича Кенгаш томонидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Васийлик кенгашига жорий йилда 19 мартаба 134 та тақлиф ва тавсия (жумладан, 2 та қонун, 52 та норматив-ҳуқуқий ҳамда 80 та идоравий ҳужжат) жамланмаси киритилди. Шундан, 7 тасига яқинлиги ва қолган 12 та тавсия жамланмаси юзасидан вазирлик томонидан ишлар

амалга оширилаётгани ҳамда назоратта олинганлиги маълум қилинди. Шунингдек, Кенгаш аъзоларининг ҳаёти ва фаолияти, амалга оширган ишлари ҳамда соҳа ривожига қўшаётган ҳиссалари оммавий ахборот воситаларида доимий равишда ёритилиб келинмоқда.

Кенгаш томонидан 2026 йилда бажарилиши лозим бўлган Иш режаси муассислар умумий йиғилишига тақдим қилиниб, бир овоздан маъқулланди ҳамда тасдиқланди. Фурсатдан фойдаланиб, Архитектура ва қурилиш соҳасида Фахрийлар кенгаши номидан юртимиз тараққиётига ҳисса қўшиб келаётган бунёдкорлик соҳаси вакилларини кириб келаётган Янги 2026 йил билан муборакбод этамиз! Сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат, узоқ умр, машаққатли ва шарафли фаолиятингизда улкан зафарлар тилаймиз.

Келаётган йил ҳар бир хонадонга файзу барақа, тинчлик-хотиржамлик, тўқин-соқинлик олиб келсин. Янги йилдаги барча режаларингиз амалга ошсин. Юртимиз ривожига, шаҳару қишлоқларимиз кўрқига кўрк қўшишдек масъулиятли вазифангизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.



Тоир АЛИМАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари.

2025 йил – қурилиш соҳасида катта ўзгаришларга бой бўлди

Йил якуни... Ким учундир қувончли, яна кимгадир биров ташвишли туюлиши мумкин. Аммо ҳамманинг кўнглида бир савол тугилиши шубҳасиз: “Яқунланган йилда биз нималарга эришдик?”. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳам 2025 йил катта ўзгаришларга бой, унутилмас йил бўлди. Кўпга янги лойиҳалар амалга оширилиб, шаҳарчалар барпо этилди. Қишлоқ ва маҳаллалар янада кўркам қиёфага кирди.

Таъкидлаш керакки, жорий йилда 53 та шаҳар ва шаҳарчаларнинг бош режалари ҳамда 108 та қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, 11 та шаҳарнинг бош режаси ҳамда 22 та туризм ҳудуд мастер режаларини ишлаб чиқиш жараёнлари яқунланмоқда. Аҳоли ҳудудларининг бош режаларини Давлат шаҳарсозлик геоахборот тизимига “рақамли эгизаклар” шаклида жойлаштириш бўйича тегишли платформа ишга туширилди ва унга 567 та шаҳарсозлик ҳужжати юкланди. Вазириликнинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари томонидан 6 турдаги давлат хизматларини кўрсатиш бўйича жами 353 085 та объектга оид аризалар кўриб чиқилди. Шунингдек, техник тартибга солиш тизимини такомиллаштириш бўйича 160 та техник-норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Жорий йил дастури доирасида республика бўйича 135 мингта хонадондан иборат уй-жойлар қурилиши белгиланган. Унга кўра, 56 та “Янги Ўзбекистон” массивида 28 219 та хонадонли 543 та уй, талаб юқори бўлган ҳудудларда эса 106 781 та хонадондан иборат 2 018 та уйни қуриб фойдаланишга топшириш ишлари қизгин давом этмоқда.

Шунингдек, инвестиция дастури доирасида жорий йилда 352 та мактаб, 165 та боғча ва 2 та ижод ва ихтисослашган мактабларда қурилиш-таъмирлаш ишлари яқунланди. Шунингдек, мазкур таълим муассасаларининг ҳудудий жойлашуви ва шароитига қараб, 497 та объектга иситиш тизими, марказлашган канализацияга уланмаган 464 та объектга оқова сув тизими ҳамда 304 та бинога ногиронлиги бўлган шахслар учун лифт қурилмалари ўрнатилмоқда. Қурилиш соҳасида фаолиятини амалга ошириш учун лойиҳа ва пудрат ташкилотларига 415 та лицензия ва 25 та аккредитация гувоҳномалари берилди.

Булардан ташқари, “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида “Зил-зилбардош уй”, “Улуш қиритиш асосида уй-жой қуриш 2.0”, “Хавфсиз лифт”, “Кўп квартиралар уйи қуришчи органлар реестри”, “Коммунал хизматлар учун тўловларни ягона шахсий ҳисоб варақ орқали амалга ошириш” ҳамда “Менинг ҳудудим” каби платформалар ишлаб чиқилди. Шунингдек, ўтиб бораётган йилда “Шаффоф қурилиш” тизими орқали қарийб 26 мингта объект

лоийхаси экспертизадан ўтказилди ва лойиҳалар сметасидан 97 триллион сўм иқтисод қилинди. “Шаффоф қурилиш” платформаси орқали 17759 та объектга лойиҳа ва пудрат ташкилотларини аниқлаш бўйича онлайн электрон тендер савдолари ўтказилди. Натижада 823 миллиард сўм маблағ иқтисод қилинди. Бугунги кунда “Рейтингни электрон платформаси”га 18,6 мингта қурилиш-пудрат ташкилоти ҳамда 2 мингта лойиҳа ташкилоти киритилди. Қурилиш соҳасида 168 мингта янги иш ўрни яратилди. Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш бўйича ҳам муайян натижаларга эришилди. Хусусан, 160 та норматив ва 114 та миллий стандарт ишлаб чиқилди. 114 та стандартнинг халқаро ва Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мослиги таъкид қилинди.

Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизмати соҳасида ҳам Давлат ижтимоий буюртмалари асосида 9 та оғир шароитдаги олис қишлоқда 231 километр тармоқ тортилди, 14 та ишоотда эса қурилиш-монтаж ишлари яқунланди. 26 та аҳоли яшаш пунктларида сувни чуқурлаштирувчи ускуналари ўрнатилди ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Япония компаниясининг грант маблағлари эвазига 64 та маҳаллада 5 та ичимлик сув ишооти қурилди, қарийб 100 километр тармоқ тортилди. Иссиқлик таъминоти соҳасида жорий йилда 60 та лойиҳа доирасида 142 километр иссиқлик тармоқлари тортилди, 62 та иситиш қозони ўрнатилган.

Жумладан, инвестиция дастури доирасида 20 та лойиҳа доирасида 83 километр иссиқлик тармоқлари тортилиб, 19 та иситиш қозони ўрнатилган. “Янги Ўзбекистон” массивларида 40 та лойиҳа доирасида 59 километр иссиқлик тармоқлари тортилиб, 43 та иситиш қозонлари ўрнатилган. Шунингдек, тизимни 2025/2026 йиллар куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш мақсадида 53 та қозон ва 93,3 километрга яқин иссиқлик тармоқлари нинг мукамал ҳамда 598 та қозон ва 519,2 километр иссиқлик тармоқларини жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Бундан ташқари, иссиқлик таъминоти корхоналарида туну-кун ишловчи “Диспетчерлик хизмати” фаолияти янада кучайтирилиб, 500 га яқин ходим ва 125 та махсус техникалардан

иборат 104 та тезкор авария-тиклаш гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди. Мавсум давомида ҳаво ҳароратининг кескин пасайиш ҳолатлари кузатиладиганда истеъмолчиларга белгиланган параметрда иссиқлик энергияси етказиб бериш ҳамда иссиқлик энергиясини барқарор етказиб берилишини таъминлаш мақсадида, 26 минг 500 тонна мазут ҳамда 16 минг 200 тонна кўмир, 8,4 километр иссиқлик тармоқлари, 411 дан ортиқ задвижка, 3 379 килограмм электрод ва 35 та дизель генератор захираси яратилди.

Кўп квартиралар уйлари 2025/2026 йилларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик дастури доирасида бошқариш органларининг ўз маблағлари ҳисобидан 9 812 та уйлarning 2 043 та том қисми, 7 635 та кириш йўлаклари, 1 731 та ертўласи, 964 та ички муҳандислик тармоқлари, 778 та фасади, 55 774 та шитлари таъмирланди. Шунингдек, 1 513 та қолди қулфи темир эшик, 22,6 минг квадрат метр фрамуга ойна ромлари ва 69 507 та энергия тежамкор қишлоқ ўрнатилди. Шунингдек, 1 062 та кўп квартиралар уйлarning ташқи фасад қисми энергия тежамкор материаллар билан қопланди. Хўкумат қарори билан тасдиқланган дастур асосида кўп қаватли уйлardaги 401 та лифт янгиланди.

Қолаверса, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига навбатдаги Мурожаатномасида ҳам халқимизни уй-жой билан таъминлаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, иқтисодиётда энг катта талаб яратадиган уй-жой ипотекасига 2026 йилда 23 триллион сўм ресурс ажратилиши айтилди. Уй-жой сотиб олишда бошланғич тўлов ва фойз тўловларининг бир қисmini қоплаш учун 2 триллион 700 миллиард сўм субсидия берилди.

Шунингдек, битта квартира учун ажратилган имтиёзли ипотека кредитининг миқдори 15 фоизга оширилди. Келгуси йилда 140 мингта квартиралар кўп қаватли уй-жой барпо этилиши рўзгор учун зарур истеъмол товарларига талабни ошириши таъиний, албатта. Бу талабни молиявий манбалар билан таъминлаш мақсадида 2026 йилда 125 триллион сўмлик истеъмол кредити ажратилди. Умуман, 2026 йилда қурилиш ишлари ҳажмининг 11 фоизга кўпайтириб, 30 миллиард долларга етказиш режа қилинган.

Демак, олдимизда янада масъулиятли вазифа – 2026 йилда ҳам янада шиддат, ғайрат ва шижоат билан ишлаш мақсади турибди. Янги йилда ҳам Янги Ўзбекистонимиз тараққиётли, халқимиз фаровонлиги йўлида ҳаётбахш ислохотларни амалга оширишда давом этамиз.



Хавфсиз ва сифатли қурилиш муҳитини яратиш – асосий мақсадимиз

Азларжон САДИКОВ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан 2025 йил давомида соҳада қонунийликни таъминлаш, қурилиш сифати ва хавфсизлигини ошириш ҳамда коммунал хизматлардан фойдаланиш устидан самарали давлат назоратини олиб бориш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Аввало, қурилиш-монтаж ишлари устидан давлат назорати йўналишида амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, жорий йилнинг 26 декабрь ҳолатига кўра, ҳудудий назорат инспекциялари томонидан жами 27 мингта яқин қурилиш объектида қурилиш-монтаж ишлари давлат назоратига олинди. Мазкур объектида инспекция ходимлари томонидан 370 минг 676 маротаба назорат ва мониторинг тадбирлари ўтказилди. Аниқланган қондубузариликларни бартараф этиш мақсадида 199 минг 679 та бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар берилиб, уларнинг ижроси қатъий назоратга олинди.

Белгиланган муддатларда ёзма кўрсатмалар ижроси таъминланмаганлиги тўғрисидаги Кодекснинг 99-моддасига асосан 8 мингдан ортиқ маъмурий чора қўлланилди. Шунингдек, қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя қилинмаган 4 минг 295 та ҳолат бузирилиш ишлари орқали бартараф этилди. Бундан ташқари, қурилиш объектида сифатсиз қурилиш материалла-



ридан фойдаланилган ҳолатлар бўйича тегишли орган ва ташкилотларга 1 минг 605 та тақдимнома киритилди. Энди кўп квартиралар уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш йўналишида 2025 йил давомида ҳудудий инспекциялар томонидан 24 минг 671 та кўп квартиралар уй-жойларнинг техник ҳолати ўрганиб чиқилди. Ўрганишлар натижасида 6 минг 835 нафар ҳуқуқбузар шахс томонидан жами 7 минг 184 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, уларнинг барчасига бартараф этиш юзасидан мажбурий ёзма кўрсатмалар берилди. Аниқланган қонунбузилишларнинг асосий қисми таъинч ва тўсиқ конструкцияларни бузиш, ноқонуний қуришлар барпо этиш, умумий фойдаланишдаги жойларни эгаллаб олиш ҳамда ертўлаларда санитария қоидаларига риоя этмаслик билан боғлиқдир.

Берилган мажбурий кўрсатмалар асосида 4 мингдан ортиқ қонунбузилиш ҳолати ихтиёрий равишда бартараф этилди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 159-моддасига асосан, 3 мингдан ортиқ ҳолат

бўйича маъмурий жарима белгиланди ҳамда 2 минг 329 та ҳолат юзасидан сулдаларга даъво аризалари киритилди. Шунингдек, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланишни назорат қилиш йўналиши бўйича ҳам тизимли ишлар олиб борилди. 2025 йил давомида ичимлик ва оқова сув тармоқларига 5 минг 745 та ноқонуний уланмиш ҳолатлари аниқланиб, барча ҳолатлар юзасидан қонуний асосда маъмурий жарима чоралари қўлланилиб, бартараф этиш чоралари қўрилди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, иштирокчилар, юқорида қайд этилган натижалар инспекция томонидан соҳада қонунийликни таъминлаш, хавфсиз ва сифатли қурилиш муҳитини яратиш ҳамда аҳолига қўрсатилётган коммунал хизматлар сифатини оширишга қаратилган изчил ишларнинг амалий самарасидир.

2026 йилда ҳам ушбу йўналишдаги ишларни изчил давом эттирган ҳолда, халқимизни сифатли, хавфсиз ва замонавий уй-жойлар билан таъминлаш жараёнига ўз хиссамизни қўшамиз.

Инновация, халқаро тажриба ва барқарор ривожланиш йили

Рустам МАМАЖАНОВ, “O'zog'irsanoatloyiha” АЖ техник директори.

Мамлакатимизда қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасини модернизация қилиш, лойиҳалаш жараёнларига инновацион ёндашувларни жорий этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир даврда, соҳада фаолият юритаётган етакчи ташкилотлар олдига янги ва масъулиятли вазифалар қўйилди. Ана шундай муҳим жараёнлар замирида “O'zog'irsanoatloyiha” институти ҳам ўз фаолиятини сифат жиҳатидан янгича мазмун билан бойитиб, амалий натижаларга эришди.

2025 йил “O'zog'irsanoatloyiha” институти фаолиятида маъмурият янги босқич сифатида тарихга кирди. Қурилиш ва лойиҳалаш соҳасида белгиланган стратегик вазифаларнинг ишонч ва профессионал масъулият устувор эканини яна бир бор намоён этди.

2025 йилда кадрлар салоҳиятини ошириш институти ривожининг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Мутахассислар Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари ҳамда Европа давлатларининг бир қатор шаҳарларида тажриба алмашиб, замонавий лойиҳалаш усуллари, инновацион муҳандислик ечимлари ва илгор технологияларни ўзлаштирилди. Бу халқаро тажриба институти му-

тахассисларининг дунё стандартлари асосида фикрлашни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, институтида фаолият юритаётган кўпга мутахассислар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазириликнинг ҳузуридаги Компетенцияни ривожлантириш институтида тахсил олиб, сертификатлаш жараёнларидан муваффақиятли ўтдилар. Натижада улар шаҳарсозлик ва қурилиш соҳасидаги энг юқори бўлган 4-тоифа сертификатларига эга бўлишди. Бу ҳам, институтида ишлаб чиқилаётган лойиҳаларнинг сифатини, ишончилигини ва профессионал даражасини сезиларли даражада оширди.

Рақамлаштириш ва инновация соҳасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Институтида BIM технологиялари асосида лойиҳалаш амалиёти кенг жорий этилиб, янги авлод дастурий таъминотлар орқали аниқ мувофиқлаштирилган ва самарали лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. BIM технологияларининг қўлланилиши қурилиш жараёнларини оптималлаштириш, вақт ва молиявий харажатларни қисқартириш, хатоларнинг олдини олишда муҳим воситага айланмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилда “O'zog'irsanoatloyiha” институти биносида ҳам замонавий талабларга мос равишда таъмирлаш ва янгилаш ишлари

амалга оширилди. Ходимлар учун қулай, функционал ва замонавий иш муҳитини яратиши меҳнат самардорлигини оширишга хизмат қилляпти.

Хулоса қилиб айтганда, 2025 йил “O'zog'irsanoatloyiha” институти учун инновация, халқаро тажриба ва барқарор ривожланиш йили бўлди. Эришилган натижалар институтининг келгусида ҳам



қурилиш ва лойиҳалаш соҳасида етакчи ташкилот сифатида фаолият юритиши учун мустақкам замин яратди. Бугун “O'zog'irsanoatloyiha” нафақат лойиҳа ишлаб чиқувчи институти, балки замонавий тафаккур, муҳандислик масъулиятини миллий тараққиётга хизмат қилаётган илмий-амалий мактабга айланиб бормоқда.

2025 ЙИЛ

КОММУНАЛ СОҶАДА РАҚАМЛАШТИРИШ, ИСЛОҲОТЛАР ВА ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ЙИЛИ БЎЛДИ

Абдуҷаббор АЛИҚУЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар марказида инсон қадрини тушунчаси тобора кўпроқ тилга олинмоқда. Айниқса, бугунги кунда давлат сиёсатини баҳолашда йирик sanoat лойиҳалари ёки макроиктисодий кўрсаткичларга эмас, балки одамлар ҳар куни фойдаланадиган коммунал хизматлар сифати ҳам ҳал қилувчи мезонга айланмоқда. Иссиқ сувнинг узлуксизлиги, лифтларнинг хавфсиз ишлаши, ичимлик сувининг сифати ёки уйларнинг қиш мавсумига тайёрлиги – буларнинг барчаси жамиятдаги ижтимоий барқарорлик ва ишонч даражасини белгилайди.



Тошкент шаҳрида йил сарҳисобига бағишланган "Коммунал хўжалиги соҳасидаги ислохотларнинг бориши: эришилган натижалар ва келгусидаги долзарб вазифалар" мавзусидаги республика семинари ҳам ана шу масалаларга тизимли ёндашувнинг амалий натижаларини кўрсатиб берди.

Тадбирни қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Шерзод Хидоятлов очиб берди ҳамда соҳада амалга оширилган тизимли ислохотлар, эришилган натижалар ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга атрафлиқча тўхталиб, шундай деди:

– Коммунал соҳа фақатгина инфраструктура эмас, балки инсоннинг кундалик ҳаёт сифати ва кайфиятига бевосита таъсир этувчи муҳим тизимдир. Шу боис, амалга оширилаётган ҳар бир ислохот аввало, инсон қадрини юксалтиришга қаратилган. Бундан ташқари, республикамизнинг барча ҳудудларида архитектура бош режалари асосида рақамлаштириш тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда. Ушбу эскроу тизимида жараёнлар тўлиқ очиклик таъминини асосланган бўлиб, аҳолига эркин ва шаффоф ахборот олиши имконини яратди. Хусусан, қурилишга ажратиладиган умумий майдон ҳажми, унинг қанчаси бевосита қурилиш учун, қанчаси эса яшил ҳудуд сифатида белгиланиши мазкур платформада аниқ ва батафсил кўрсатиб берилди. Мазкур рақамли тизимни 2026 йилда ишга тушириш режалаштирилган, унга доир қонун лойиҳаси эса ҳозирда Олий Мажлисда муҳокама ва ўрганиш жараёнида.

Ушбу қонун лойиҳаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан махсус рақамли платформа жорий этилган. Платформа Кадастр агентлиги, республикадаги барча тижорат банклари ҳамда архитектура-назорат инспекциялари билан тўлиқ интеграция қилинган. Натижада, уй-жой қурилиши бошланганидан то аҳолининг белгиланган кадастр ҳужжатлари билан таъминланиши, шунингдек, қурилиш жараёнларининг банклар томонидан молиявий қафолат остида олиб борилиши назарда тутилган. Мазкур механизмнинг асосий мақсади – аҳолининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш. Яъни агар тадбиркор белгиланган муддатда объект аҳолига топширилмайди, топширилган объектнинг қиммати оғирлик билан қисқариши мумкин. Шунингдек, Давлат дастурлари, маҳаллий бюджет ва ҳомилик маблағлари ҳисобидан 6 448 та уйда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Минглаб оилалар учун совуқ мавсумни муаммосиз ўтказиш имкони яратилди.

Натижада 2025 йилда тизим орқали 894 миллион сўм мажбурий бадал тўловларининг ундирилгани соҳадаги энг оғирлик масалалардан бири, дебитор қардорлик муаммосининг сезиларли даражада камайганидан далолат беради. Қолаверса, ислохотлар фақат технология билан эмас, балки ҳуқуқий механизмлар билан ҳам мустаҳкамланмоқда.

2022-2025 йилларда қабул қилинган 13 та норматив ҳужжат, шу жумладан, 1 та қонун ва 2 та Президент қарори соҳадаги бошқарув, молиялаштириш ва жавобгарлик масалаларини аниқ белгилаб берди. Бу ҳужжатлар соҳага инвестиция

РАҚАМЛАШТИРИШ – МУАММОЛАРГА ҚАРШИ САМАРАЛИ ҚОСИТА

Йиллар давомида тўпланиб қолган тизимли муаммоларни бартараф этишда рақамлаштириш ҳал қилувчи омилга айланди. "Менинг уйим" билнинг тизимининг жорий этилиши бу борада муҳим қадам бўлди. Ушбу тизим орқали кўп квартирали уйларни бошқариш жараёнларида инсон омили қисқариб,

шаффофлик ва назорат кучайди. Натижада 2025 йилда тизим орқали 894 миллион сўм мажбурий бадал тўловларининг ундирилгани соҳадаги энг оғирлик масалалардан бири, дебитор қардорлик муаммосининг сезиларли даражада камайганидан далолат беради. Қолаверса, ислохотлар фақат технология билан эмас, балки ҳуқуқий механизмлар билан ҳам мустаҳкамланмоқда.

2022-2025 йилларда қабул қилинган 13 та норматив ҳужжат, шу жумладан, 1 та қонун ва 2 та Президент қарори соҳадаги бошқарув, молиялаштириш ва жавобгарлик масалаларини аниқ белгилаб берди. Бу ҳужжатлар соҳага инвестиция



кiritиш, хусусий секторни жалб қилиш ва рақобат муҳитини шакллантириш учун зарур шарт-шароит яратди.

– Коммунал соҳа аҳолининг кундалик ҳаётига бевосита таъсир қиладиган тизим бўлгани сабабли, бу йўналишдаги ҳар бир камчилик ёки кечикиш инсонларнинг турмуш сифатига дарҳол таъсир кўрсатади, – деди қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева. – Шундай экан, иссиқлик, ичимлик ва оқова сув таъминоти йўналишларида амалга оширилган йирик лойиҳалар аҳоли яшаш шароитини яхшилашга хизмат қилапти. Бугунги ислохотларнинг асосий мақсади ҳам – коммунал тизимни шунчаки ишлайдиган эмас, балки аҳолининг ҳаёт сифатини оширадиган барқарор ва замонавий тизимга айлантиришдан иборат.

Шунингдек, "Кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг электрон реестри" платфoрмаси, "Хавфсиз лифт", "Hot water", "Турар жой" каби миллий ахборот тизимлари ҳам соҳани замонавий бошқарув мезонларига олиб чиқмоқда. Рақамли платформалар нафақат қўлайлик, балки хавфсизлик ва масъулиятни ҳам оширмоқда.

РАҚАМЛАР ОРТИДАГИ РЕАЛ ҲАЁТ

Бугунги кунда республикада 44 мингдан ортиқ кўп квартирали уй мавжуд бўлиб, уларда 1,5 миллиондан зиёд хонадон жойлашган. Сўнгги уч йилда 34 мингдан ортиқ уйда таъмирлаш ишлари амалга оширилгани, минглаб уйларда фасад, том, ички муҳандислик тармоқлари янгилангани бежиз эмас. Бу ишлар қишлоқ ва шаҳар аҳолиси учун бирдек муҳим бўлган барқарор яшаш муҳитини яратишга хизмат қилмоқда.

Айниқса, куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида олиб бориладиган ишлар натижасида 9 812 та уй мукамал ва жорий таъмирланди, том қисмлари, кириш йўлаклари, ертўлалар, ички муҳандислик тармоқлари ва фасадлар янгиланди. Уйларда энергия тежамкор лампалар, кодли темир эшиклар ва замонавий ойна ромлар ўрнатилди. Шунингдек, Давлат дастурлари, маҳаллий бюджет ва ҳомилик маблағлари ҳисобидан 6 448 та уйда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Минглаб оилалар учун совуқ мавсумни муаммосиз ўтказиш имкони яратилди.



ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИДА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВЛАР

– Ҳозирги кунда марказлашган иссиқлик таъминоти тизимига уланмаган кўп квартирали уй-жойларни босқичма-босқич ушбу тизимга ўтказиш масаласи келгуси беш йиллик давлат дастурига киритилиб, устувор вазифа сифатида белгиланган, – деди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Иссиқлик таъминоти бўлими бошлиғи ўринбосари Солижон Қўшқов. – Мазкур дастур доирасида яқин йиллар давомида 3 мингдан ортиқ кўп квартирали уйлар, шунингдек, 300 га яқин ижтимоий соҳа объекти қўлбола иситиш усулларидан тўлиқ воз кечган ҳолда, марказлашган, барқарор ва хавфсиз иссиқлик таъминоти тизимига улашни кўзда тутилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ушбу чора-тадбирлар республикамизнинг барча ҳудудларида изчил амалга оширилади. Бу орқали нафақат аҳолининг яшаш шароитлари яхшиланади, балки энергия самардорлиги оширилади, экологик хавфсизлик таъминланади ҳамда фақуллода ҳолатларнинг олди олинади.

ХАВФСИЗЛИК ВА ЭКОЛОГИЯ – ЗАМОН ТАЛАБИ

Лифтлар хавфсизлигини таъминлаш йўналишида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2025 йилда "Хавфсиз лифт" агноа электрон платформаси ишга туширилди. Мазкур платформа орқали республика бўйича 14 мингдан ортиқ лифт ускунаси тўлиқ хатловдан ўтказилиб, рақамлаштирилди. Шу билан бирга, лифтларни янгиллаш, мунтазам техник кўриқдан ўтказиш, диспетчерлик тизимларига улаш ҳамда видеокузатув ускуналарини ўрнатиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди, бу эса, аҳоли хавфсизлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, ичимлик суви ва оқова сув таъминоти соҳасида 2025 йилда аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини 81 фоиздан 82,8 фоизга, оқова сув тизими билан қамров эса 22,3 фоизга етказилди. Йил давомида минглаб километр ичимлик ва оқова сув тармоқлари қурилди ва реконструкция қилинди. Давлат ижтимоий вазоратлари доирасида эса олис ҳудудларда 40 минг нафардан ортиқ аҳоли ичимлик суви билан таъминланди.

– Сўнгги 7 йил ичида 1 миллион 200 минг нафар аҳолини канализация билан таъминлаш ишлари амалга оширилди, – деди Қурилиш ва уй-жой коммунал хў-

жалиги вазири Солижон Қўшқов. – Бу оддий бир рақамдек кўриниши мумкин лекин бунинг ортида жуда катта маблағ ва меҳнат бор. Айнан ичимлик суви ва канализация соҳасига давлат томонидан 17 триллионга яқин маблағ ажратилди. Бундан ташқари, ҳоржий инвестициялар асосида 1 миллиард долларга яқин маблағ жалб этилди. Жумладан, "Янги Ўзбекистон" массивларини қуришда алоҳида маҳаллий оқова сув тозалаш иншоотлари жорий этилиб, аҳолига канализация хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Бундан ташқари, республикадаги кўп квартирали уй-жойларнинг энергия самардорлигини ошириш мақсадида 2022-2023 йилларда кўп қаватли турар жой биноларининг ташқи фасадларини базальт қопламаси билан қоплаш бўйича пилот лойиҳалар амалга оширилди. Ушбу тажрибани республиканинг барча ҳудудларида кенг татбиқ этиш доирасида жорий йилда 983 та уйнинг 1,4 миллион квадрат метр фасад қисми энергия тежамкор базальт махсулоти билан қопланди. Шунингдек, 234 та уйнинг 214 минг квадрат метр фасад қисмида таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда.

Қолаверса, жорий йилда Германиянинг GIZ ташкилоти билан ҳамкорликда Нукус шаҳрида кўп квартирали уйларнинг энергия самардорлигини ошириш бўйича пилот лойиҳа амалга оширилди. Лойиҳа доирасида йилнинг биринчи ярмида энергетик аудит, техник кўриқ ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишлари якунланди. Мазкур йўналишда Жаҳон банки билан ҳамкорликда 1 034 та уйнинг энергия самардорлигини ошириш бўйича ишлар йўлга қўйилиб, ҳозирда лойиҳага 2 миллион АКШ долларини мақдорда грант маблағлари ажратилишига эришилди. Шунингдек, вазирилик қoшида ташкил этилган "Коммунал таъминоти маркази" ДМ аҳоли ва бошқарув органлари ўртасида самарали мулоқот ва мувофиқлаштирувчи "кўприк" вазифасини бажариб келмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, 2026 йилда ҳам коммунал соҳада амалга оширилиши керак бўлган режалар кўп. Муҳими, коммунал хўжалик соҳасидаги ислохотлар бугун фақат рақамлар ёки ҳисоботлар билан эмас, балки оддий фуқаронинг кундалик ҳаётига сезилаетган реал ўзгаришлар билан ўлчанмоқда. Рақамлаштириш, ҳуқуқий базанинг мустаҳкамланиши ва халқаро ҳамкорлик бу йилда муҳим таянч бўлиб хизмат қилмоқда. Қуваронлари, бу жараёнлар изчил давом этмоқда ва уларнинг марказида инсон манфаатлари устувор бўлиб қолмоқда.

Бош мақсадимиз – соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш



Шуқурулла ЮНУСОВ, Компетенцияни ривожлантириш институти ректори.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 августдаги ПФ-151-сон Фармонида мувофиқ, шаҳарсозлик соҳасидаги мутахассисларнинг фаолият йўналишлари бўйича ҳар уч йилда бир марта сертификатлаш тизими жорий этилиб, сертификатлаш ишларини амалга ошириш бўйича Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик ҳузурида Компетенцияни ривожлантириш институти ташкил этилган.

тимиз томонидан йил давомида амалга оширилиши мўлжалланган барча режалар орғи билан бажарилди. Хусусан, жорий йилда режадаги 7 000 нафар ўрнига 7 386 нафар (105,5 фоиз) шаҳарсозлик ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида фаолият олиб бораётган мутахассислар тегишли йўналишлар бўйича ўқув курсларида ўқитилди. Шаҳарсозлик ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳалари мутахассисларини сертификатлаш

тимиз "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими ҳамда Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг электрон тизими билан интеграция қилинган бўлиб, малака ошириш курсларини тугатган мутахассислар тест синовидан ўтиши ва сертификат олиши билан боғлиқ жараёнлар инсон омили иштирокисиз тўлиқ рақамлаштирилди.

Шунингдек, институтда 2025 йилнинг сентябрь ойида масофавий таъ-

лим – Learning Management System платформаси ишлаб чиқилди ва ўқув жараёни рақамлаштирилди. Муассасамизнинг қабул тизими sert.mcuz ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг diplom.edu.uz тизимлари ўзаро интеграция қилинди. Натижада, институтда ўқиш истагида бўлган талабгорларнинг дипломи ҳақидаги маълумотлар автоматик шаклланиши таъминланди.

Булдан ташқари, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги профессионал таълим йўналишлари учун ўзбек ва рус тилларида 9 номдаги ўқув қўлланмаси тайёрланиб, нашрдан чиқарилди. Қолаверса, соҳага оид 15 мингга яқин сўз ва сўз бирикмалари ҳамда уларнинг изоҳлари жамланган изоҳли лугат тайёрлангани ҳам катта ютуқлардан бири бўлди.

Келгуси йилда ҳам режалар бисёр.

Хусусан, 2026 йил давомида 6 000 нафар шаҳарсозлик ва уй-жой коммунал хўжалиги фаолият олиб бораётган мутахассисларни ўқитиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, шаҳарсозлик ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган турдош ва номутахассис кадрларни "Қурилиш муҳандислиги" йўналиши ҳамда соҳадаги бошқа долзарб йўналишларда қайта тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз.

Институтда Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 11 сентябрдаги 460-сон қарори асосида 12 та турдаги тегишли мутахассисларнинг билим ва малакаларини ошириш ҳамда уларни сертификатлаш мақсадида ўқув машғулотлари ўтказиб келинмоқда.

Яқунланаётган йилда ҳам институ-

Сифатсиз бинолар қурилишига йўл қўйилмайди!

Нозимжон НУРОВ, Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида хуудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида хуудий назорат қилиш инспекцияси томонидан ҳам босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Тизимда шаффофликни таъминлаш, коррупцион ҳолатлар ва бюрократияга чек қўйиш мақсадида барча ишлар рақамлаштирилиб, қуриладиган бино ва иншоотларда сифат ва техник хавфсизлик назоратлари кучайтирилмоқда.



Хусусан, 2025 йилнинг 25 декабрь ҳолатига кўра, хуудий инспекция томонидан 31 281 мартаба мониторинг ҳамда назорат ишлари амалга оширилган. Назорат ишлари давомида қурилиш объектларида аниқланган камчилик ҳамда қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан қурилиш масъулларига бажарилиши мажбурий бўлган 15 955 та ёзма кўрсатма берилиб, уларнинг 14 401 таси қурилиш иштирокчилари томонидан бартараф этилган.

Инспекция ҳодимлари томонидан берилган ёзма кўрсатмалар ўз вақтида бартараф этилмагани боис, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 99-моддасига асосан, 888 та ҳолатда қурилиш иштирокчиларига (пудратчи, буюртмачи, лойиҳа ташкилоти) жарима чоралари қўлланилган. Шунингдек, сифатсиз қурилиш ишлари олиб борилганлиги сабабли 77 та ҳолатда қурилиш ишлари вақтинчалик тўхтатилган.

Вилоятимиз миқёсида 324 та ҳолатда қурилиш объектида қурилиш метёрий талабларига амал қилинмаганилиги, шу билан бирга, қурилишга жавобгар шахслар – буюртмачи, техник пудратчи, лойиҳачининг муаллифлик назорати бўйича мутахассислар ўз ишига беписандлик билан қараганлиги боис, объектларда буздирини ишлари амалга оширилган. 65 та ҳолатда эса юқорида қайд этганимиздек, ўз ишига беписандлик билан қараб, юрдошларимиз ҳаётини хавфга қўйган техник, ички ҳамда муаллифлик назорати мутахассисларининг лицензияларини тугатиш бўйича тақдимномалар киритилди.

Хусусан, вилоятимиз бўйлаб мониторинглар жараёнида сифатсиз қурилиш материаллари ҳамда буюмларидан фойдаланилганлиги бўйича 230 та ҳолат аниқланди ва ишлаб чиқарувчи корхоналарга тегишли тартибда тақдимномалар киритилди. Булардан ташқари, кўп квартирали уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш соҳасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Инспекция томонидан белгиланган маъмурий жарималар бўйича кўп квартирали уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш соҳасида 169 та 1,538 миллиард сўмлик маъмурий жарима расмийлаштирилган. Шундан, МЖТКнинг 159-моддаси 1-қисми бўйича 13 та 34,65 миллион сўм, 2-қисми бўйича 32 та 138,2 миллион сўм ва 3-қисми бўйича 124 та 1,36 миллиард сўмлик маъмурий жарима қўлланилган.

Ноқонуний қурилмаларни тартибга кел-

тириш бўйича 2025 йилнинг январь-ноябрь ойларида кўп квартирали уйлардаги умумий мол-мулк ҳамда уларга туташ ер участкаларида ўзбошимчалик билан ўзгартириш (реконструкция) ва қўшимча қурилма қуриш бўйича қонунчилик ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларининг бузилишини назорат қилиш бўйича 1275 та кўп квартирали уй ўрганилди. Ўрганиш ишлари натижасида 334 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, барчасига ихтиёрий равишда бартараф этиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатма берилган. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларидан 194 таси бартараф этилган. МЖТКнинг 159-моддаси 1- ва 3-қисмлари билан 137 та қонунбузилиш ҳолати бўйича инспекция томонидан жами 1,39 миллиард сўмлик маъмурий жарима белгиланган. Мажбурий тартибда бартараф этиш бўйича судга 171 та даъво аризаси киритилиб, қолган ҳолатлар айни пайтда иш жараёнида.

Шунингдек, 2025 йил давомида 948 та кўп квартирали уйнинг ертўла қисми ўрганилган бўлиб, уларда 47 та қоидабузарлик ва камчилик аниқланган. 17 тасига нисбатан маъмурий жарима чоралари қўрилиб, инспекция томонидан берилган мажбурий кўрсатмаларга асосан, 15 та камчилик бартараф этилган. Мажбурий тартибда бартараф этиш бўйича судга 32 та даъво аризаси киритилган.

Шу билан бирга, истеъмолчиларга ичимлик сувининг белгиланган сифат стандартларига мувофиқ етказиб берилишини таъминлаш мақсадида ўрганилган 2061 та синов таҳлилининг 42 таси санитария нормалари ва норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермаслиги маълум бўлди. Бу жараёнда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларига 341 та ноқонуний равишда улағиш ҳолатлари аниқланди. Аниқланган ҳолатлар бўйича ҳуқуқбузарларга нисбатан 4 173 та 10 674 миллион сўмлик маъмурий жарима расмийлаштирилди.

Юқорида келтирилб ўтилган кўрсаткичлардан хулоса қиладиган бўлсак, бугунги кунга қадар бажарилган ишлар соҳада амалга оширилиши керак бўлган ишларнинг дебочасидир. 2026 йилда ҳам бажарилиши керак бўлган вазифалар талайгина. Мақсад эса – қурилиш, коммунал ва албатта, ичимлик суви йўналишида сифат назоратини янада кучайтириш, халқимизни фаровон ҳамда хавфсиз яшашига шароит яратишдир.



Жамолiddин ТОШИНОВ, Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида хуудий назорат қилиш инспекцияси раҳбари.

2025 йил давомида Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида хуудий назорат қилиш инспекцияси томонидан аҳоли учун хавфсиз, қулай ва барқарор яшаш муҳитини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Давлат назоратини кучайтириш, қонунбузилишларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, профилактик тадбирларни тизимли йўлга қўйиш инспекция фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлди.

Кўп квартирали уй-жой фонди – доимий эътиборда

Хуудий назорат инспекцияси томонидан жорий йилнинг ўтган 11 ойи давомида 1 832 та кўп қаватли уйлар ўрганилди.

Ўрганишлар натижасида 476 та ҳолатда ўзбошимчалик билан қурилган қурилмалар аниқланиб, қонунбузилишларни бартараф этиш бўйича қатъий чоралар кўрилди. Хусусан, 225 та ҳолат бўйича маъмурий баённома расмийлаштирилиб, 2,8 миллиард сўмдан ортиқ жарима қўлланилди. Шу билан бирга, фуқаролар томонидан 212 та ҳолат ихтиёрий равишда бартараф этилган профилактик ишлар самарасини кўрсатади. Бироқ 231 та ҳолатда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси киритилди.

ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ВА КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ПУХТА ТАЙЁРГАЛИК

Аҳолини иссиқлик билан барқарор таъминлаш масаласи инспекция фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Вилоятда иссиқлик таъминотидан фойдаланиб келинаётган 306 та кўп квартирали уй мавжуд бўлиб, уларнинг 69 тасида тизимни таъмирлаш зарурати аниқланди.

Маҳаллий бюджет ҳисобидан 1 миллиард 450 миллион сўм маблағ ажратилиб, таъмирлаш ишлари тўлиқ бажарилди. Шунингдек, Қашқадарё вилоятидаги мавжуд кўп квартирали уйларни 2025-2026 йил кўз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси томонидан 341 та кўп қаватли уйларда муқаммал ва жорий таъмирлаш бўйича манзилли рўйхат

КЕЛГУСИ ЙИЛДА соҳада давлат назоратини янада кучайтиришни мақсад қилганмиз



шақланттирилган. Рўйхатдаги уй-жойларнинг барчасида таъмирлаш ишлари бажарилиб, уй-жой фондининг техник ҳолати яхшиланди.

ИЧИМЛИК ВА ОҚОВА СУВ ТАЗИМЛАШ СОҲАСИДА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Жорий йилда ичимлик суви сифати ва оқова сув тармоқларидан қонуний фойдаланиш устидан давлат назорати ҳам тизимли равишда амалга оширилди.

Санитария-эпидемиологик хизмат билан ҳамкорликда 1 630 та сув намунаси таҳлил қилиниб, айрим вазиятларда стандарт талабларига жавоб бермаслик ҳолатлари аниқланди. Шу билан бирга, 334 та ноқонуний улағиш ҳолати фош этилиди, жумладан, 331 та ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига ноқонуний улағишлар ҳамда 3 та ҳолатда ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ўзгартириш ёки назорат тамгалари (пломба)га шикаст етказиш ҳолатлари маълум бўлди. Натижада, қоидабузарларга нисбатан миллиардлаб сўм қўшимча тўлов ва жарималар қўлланилди.

Аниқланган ноқонуний ҳолатлар ва қоидабузилишлар юзасидан 461 нафар ҳуқуқбузарга нисбатан 1 миллиард 380 миллион сўмлик маъмурий жарималар қўлланилди. Ўрганишларда ичимлик суви тармоқларига ноқонуний улағишлар натижасида аниқланган 17 та 3 миллиард 530 миллион сўмлик ҳолатлар бўйича материаллар ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

РАҚАМЛАШТИРИШ – КҮН ТАЛАБИ

2025 йилда қурилиш-монтаж ишлари бўлими томонидан 2 343 та объектида назорат тадбири ўтказилди. Натижада қатор объектларда қурилиш ишлари тўхтатилиб, сифатсиз ишлар ва ҳужжатлардаги камчиликлар бартараф этилди. Бугунги кунга қадар 50 та объект тизимга киритилган, 425 тасида қурилиш ишлари тўхтатилган. 1918 тасида қурилиш ишлари давом этмоқда. Жараёндаги объектларнинг 1954 таси 2-тоифага, 372 таси 3-тоифага, 18 таси 4-тоифага ажратилган.

Ўтган 11 ойда жами 35 493 та ҳолатда мониторинг ўтказилган бўлиб, 17 558 таси бўйича ёзма кўрсатма берилган. Жумладан, 77 та сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар қўлланилганлиги учун тақдимнома киритилди. 282 та ҳолатда сифатсиз қурилиш-монтаж ишлари буздирилиб, 207 та ҳолатда лицензия ва рухсат

берувчи ҳужжатлар бекор қилинди. 495 та ҳолатда муддати кечиктирилган кўрсатмалар учун чора кўрилди. Ҳозирда 103 та қурилиш объектида 128 та кузатув камераси ўрнатилиб, шундан, камераларнинг онлайн кузатиш марказларига уланган ҳамда рақамли назорат орқали 900 дан зиёд камчилик ўз вақтида аниқланди.

ЛАБОРАТОРИЯ СИНОВЛАРИ – СИФАТНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўтган 11 ой давомида жами 741 та қурилиш объекти билан шартнома тузилган. Тузилган шартномаларнинг 473 таси бўйича 6999,0 миллион сўм инспекция ҳисоб рақамига келиб тушган, қолган 268 таси бўйича бажарилган ишга нисбатан дебитор қардорлик мавжуд. Ҳозирда қардорликни камайтириш бўйича буюртмачиларга белгиланган тартибда талабнома чиқарилиб, ундириш чоралари кўрилмоқда.

Инспекция билан буюртмачилар ўртасида 2024 йилда тузилган 83 та ва 2025 йилда тузилган 99 та шартнома бўйича синов ишлари якунига етказилган. 2024 йилда тузилган 192 та ва 2025 йилда тузилган 642 та шартнома бўйича лаборатория синовлари олиб борилмоқда. Шартномалар бўйича жами 3 599 та синов баённомалари расмийлаштирилган. Олиб келинган намуналар бўйича 2 755 та синов ўтказилиб, 11 ой мобайнида жами 3 599 та синов баённомаси тайёрланган. Синов натижалари самбэй бўлган қурилиш объектларининг тегишли баённомалар белгиланган тартибда буюртмачиларга етказилиб, камчиликни бартараф қилиш ишлари назоратга олинган.

КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ РЕЖАЛАР КҮП

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, 2025 йил якунлари бўйича хуудий назорат қилиш инспекциясининг фаолияти аҳоли хавфсизлиги, қурилиш сифати ва коммунал хизматлар самарадорлигини таъминлашга қаратилган устувор вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилди.

Келгуси йилда ҳам соҳада давлат назоратини янада кучайтириш, профилактик ишлар қўламини кенгайтириш, рақамли технологиялардан фойдаланишни ошириш ҳамда аҳоли билан очик мулоқотни ривожлантириш орқали барқарор ва хавфсиз шаҳарсозлик муҳитини яратишга қаратилган ишларни давом эттиришни режалаштирганмиз.

Аҳолининг замонавий ва шинам уйларда яшашини таъминлаш асосий вазифамиз

Шерзод ХУДАЙБЕРГАНОВ, Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида хуудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи.

2025 йил поёнига етиб, янги, 2026 йил билан кўришиш арафасида турибмиз. Бу вақтда ҳар бир инсон ортга назар ташлаб, бажарган ва бажармаган ишларини сарҳисоб қилади. Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида хуудий назорат қилиш инспекцияси 2025 йилда ўз олдига қўйган барча режаларни амалга оширди.



Хусусан, жорий йилда “Қурилишда давлат назорати” МАТ орқали 6742 та объект бириктирилган. Шундан, хозирга қадар 4607 таси фойдаланишга топширилган, 2135 таси назорат жараёнида. Ушбу объектларда инспекция томонидан 23569 мартаба мониторинг ўтказилиб, аниқланган камчиликлар бўйича 15749 та бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар берилган. Шундан, 14565 тасининг ижроси таъминланган, 1171 таси жараёнда, 13 тасининг ижроси таъминланмаган.

Бугунги кунда ҳар бир қуриладиган объектга ҚР-коди паспортларни ўрнатиш жорий қилиниб, бугунги кунда 1212 та объектга ҚР-коди паспортларни ўрнатиш таъминланди. Бунда ушбу паспортлар орқали шаҳарсозлик субъектлари, қурилиш мудиатлари, шаҳарсозлик ҳужжатлари ва экспертиза хулосалари ҳақидаги маълумотларни олиш имконияти яратилди. Инспекцияда Қурилиш объектларини онлайн кузатиш учун операторлар штаби ташкил қилиниб, дастур асосида қуриладиган 100 та ижтимоий соҳа объектига ўрнатилган камералар оператор-

лар штабига улағиш, онлайн кузатиб бориш имконияти яратилди.

Давлат назоратини амалга оширишда инспекторлар бодикамералар ва махсус планшетлар билан таъминланди. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг 99-моддасига асосан, қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни учун жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан 664 та ҳолатда маъмурий чоралар кўрилган бўлса, 2024 йилда эса бу кўрсаткич 643 тани ташкил этади. Шунингдек, 222 та ҳолатда 2 миллиард 800 миллион сўмлик сифатсиз ишлар аниқланиб, Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича Фарғона вилояти ва хуудий туман шаҳар штабларига маълумот киритилиб, сифатсиз ишларни ўз вақтида бартараф эттирилишига эришилди.

Уй-жойлар йўналиши бўйича 2025 йилнинг 11 ойи давомида кўп квартирали уйларни сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича 3200 дан ортиқ кўп квартирали уйда ўрганиш ишлари олиб

борилди. Ўрганиш ишлари давомида жами 460 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, барчасига бажарилиши шарт бўлган мажбурий кўрсатмалар берилди. Мажбурий кўрсатмаларнинг 276 таси ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар томонидан бартараф этилган. Бартараф этмаган 210 нафар шахсларга нисбатан 2 миллиард 315 миллион сўм миқдордаги маъмурий жарима қўлланилган.

Шунингдек, истеъмолчиларга ичимлик сувининг белгиланган сифат стандартларига мувофиқ етказиб берилиш юзасидан олинган ичимлик сув намуналари январь-август ойларида режага (1485 та) нисбатан 1718 тани ташкил этиб, 116 фоизга бажарилди. Хуудлардаги бюджет ташкилотларида ичимлик суви ва оқова сув чиқариш таъминотидан фойдаланиш қоидаларига амал қилинишини ўрганиш юзасидан олиб борилган ўрганишлар 367 тани ташкил этиб, 111 фоизга бажарилди. Вилоятдаги МФЙларда истеъмолчилар ва ичимлик суви таъминоти ташкилотлари ўртасида шартномавий муносабатларни йўлга қўйилганлигини ўрганиш ишлари эса 116 тани ташкил этиб, 151 фоизга бажарилди.

Инспекция ва Маҳаллалар уюشمаси ўртасида имзоланган меморандумга асосан, МФЙларда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан оқилона фойдаланишни кенг тарғиб қилиш бўйича 226 та ўрганиш амалга оширилган. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига улағиш юзасидан тақдим этилган техник шартларни ўрганиш бўйича режаси 164 фоиз уддаланган. Шу билан бирга, ер ости ичимлик суви қудуқларини эксплуатация қилиш даврида санитария муҳофаза хуудларини сақлашга амал қилинаётганлиги ҳам эътибордан четда қолмади. Бу борада 406 та ўрганишлар олиб борилди. Ичимлик суви иншоотларининг технологик ҳолати, сувдан махсус фойдаланиш рухсатномаси ва зарарсилантириш ускунаси ҳамда керакли реагентлар захираси мавжудлигини ўрганиш ишлари 108 фоизга бажарилди.

“Фарғона суви таъминоти” АЖ ва унинг шаҳар ва туман бўлиmlари тасарруфидоги оқова сув тоғлаш иншоотларининг ишлаш самардорлиги, зарарсилантириш воситалари захираси яратил-

ганлиги, санитария-муҳофаза зоналари ҳолатини ўрганиш ишлари режага нисбатан 100 фоизга бажарилди. Вилоятдаги ичимлик суви этиб бормаган хуудларга махсус транспортларда ичимлик сувини етказиб бериш ишлари ҳам тўлиқ якунланди.

Булардан ташқари, “Ягона давлат назорати” ахборот тизими орқали 28 та тадбиркорлик субъектида текширишлар ўтказилди. Ўтказилган текширишлар натижасига кўра, 36 нафар мансабдор шахсга нисбатан 108,0 миллион сўм миқдорда маъмурий жарима қўлланилди. 2025 йил январь-ноябрь ойларида жами 366 та ноқонуний ҳолат аниқланди. Шундан, 326 таси ичимлик суви тармоқларига, 29 таси оқова сув тармоқларига тўғри келади. Аниқланган ноқонуний ҳолатлар бўйича таъминотчи корхоналарга жами 5 691,0 миллион сўм қўшимча тўловлар ҳисобланди.

Хулоса қилиб айтганда, 2026 йилда ҳам соҳа ҳодимларини катта мақсад ва вазифалар қутиб турибди. Ушбу мақсадларни амалга ошириш орқали халқимизга янада қулай ва яхши шароит яратишга ҳаракат қиламиз.

Навой – тараққиётнинг янги нафаси



Озод ШОДИЕВ, Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи в.в.б.

Янги йилнинг кириб келишига ҳам оз фурсат қолди. Жорий йилда амалга оширган ишларимизни ҳисоб-китоб қилар эканмиз, 2026 йилда ҳам бизни янада катта режалар кутаётганига амин бўлдик.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда қурилиш соҳаси Навоий вилоятининг асосий таянчи, драйверига айланиб бормоқда. Бунда, ижтимоий соҳа объектилари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари тортилиши ҳамда уй-жойлар қурилиши нафақат аҳолининг турмуш даражасини янада оширишга, балки иқтисодийнинг ўсишига ҳам хизмат қилмоқда. Вилоятда 2025 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ва уй-жой қурилиши дастури ижроси бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Хусусан, ижтимоий соҳа ва инфратузилмани яхшилашга алоҳида эътибор қаратилиб, сўнгги уч йилда бюджетдан 2,8 триллион сўм ажратилган бўлса, жорий йилда 1,3 триллион сўм маблағ ажратилди. Натيجада виллоятда фаолият юритаётган 1166 та пулрат ташкилотидан 620 тасининг молиявий ҳолати яхшиланиб, рейтингга киритилди.

Шунингдек, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ижроси юзасидан олиб бориладиган ишларни таҳлил қилган бўлсак, Навоий вилоятда 2025 йил инвестиция дастурига асосан, жами 50 та ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектида 334 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши белгиланган эди. Бугунги кунга қадар мазкур объектиларда 263,4 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. 247,3 миллиард сўм молиялаштирилиб берилди ҳамда 27 та объектида қурилиш ишлари якун-

ланди. Вилоят ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” ДУК 8 та объектига буюртмачи этиб белгиланган. Бугунги кунда мазкур 8 та объектидан 7 тасида қурилиш-монтаж ишлари бошланган. Биттасининг лойиҳа ҳужжатлари экспертиза кўригидан ўтказилмоқда. Хисобот даврида ушбу объектиларда жами 23,2 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 22,6 миллиард сўм молиялаштирилди ва 3 тасида қурилиш ишлари якунланди.

Булardan ташқари, вазирлик ва идоралар буюртмачилигида 42 та объектида қурилиш ишлари амалга оширилиши белгиланган бўлиб, ҳозирда 41 тасида қурилиш-монтаж ишлари бошланган ва биттасининг пулрат ташкилоти аниқланмоқда. Бугунги кунда, ушбу объектиларда жами 240,2 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилди, 224,7 миллиард сўм молиялаштирилди ҳамда 24 та (14 та мактаб, 2 та сув таъминоти, 4 та ирригация ва мелиорация, 2 та электр таъминоти, 2 та сугориш қудуғи) объектида белгиланган қурилиш ишлари ниҳоясига етказилди. Қолган 21 та объектида ҳам қурилиш ишлари тўлиқ якунланди, фойдаланишга топшириш арафасида. 2 таси кейинги йилга ўтувчи объект хисобланади.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВЛАРИ – ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРСОЗЛИК НАМУНАСИ

2025 йил уй-жой қурилиши дастури доирасида виллоятимизда жами 5 500 хонадонли 69 та уй-жой қурилиши кўзда тутилган. Ҳозирга қадар 4060 хонадонли 54 та уй-жой фойдаланишга топширилди. Хусусан, “Янги Ўзбекистон” массивларида 842 хонадонли 10 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши белгиланган эди. Бугунги кунга қадар мазкур уй-жойлардан жами 512 хонадондан иборат бўлган 5 таси фойдаланишга топширилди. Қолган 330 хонадонли 5 та уйда ҳам қурилиш ишлари якунланиб, фойдаланишга шай турибди.

Шу билан бирга, таъбиркорлик субъектилари томонидан уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда 4 658 хонадонли 59 та уй-жой қурилиши белгиланган. Ҳозирга қадар 2 893 хонадонли 41 та уй-жой қуриб битказилди. 1 711 хонадонли 18 та кўп қаватли уйда қурилиш ишлари давом этмоқда ҳамда уларни ҳам ўз муддатига фойдаланишга топшириш юзасидан барча зарурий чоралар қўрилган. Шунингдек, жорий йилда эскирган ва маънан эскирган уйлари реновация дастури асосида 2 та кўп қаватли уй-жой қурилиши белгиланган бўлиб, 1 таси фойдаланишга топширилди, иккинчиси ҳам фойдаланишга топширилиш арафасида.

Бундан ташқари, якунига етаётган йилнинг энг йирик лойиҳалари – “Янги



Навоий шаҳарчаси” ҳамда “Янги Ўзбекистон” истироҳат боғи барпо этилмоқда. Бу ерда 174 та 551,6 минг квадрат метр майдонда 5-30 қаватли уй-жойлар, 4170 ўринли мактаблар, 1620 ўринли боғчалар, 285 ўринли поликлиникалар, 1150 ўринли маданият объектилари, 2 та сайилгоҳ, 8917 ўринли автотурагоҳлар ташкил этилади. Ҳозирда “Янги Навоий шаҳарчаси” қурилиши учун йирик қурилиш компаниялари билан музокалар ўтказилиб, салоҳиятли девелоперларга кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун “Янги Навоий шаҳарчаси” ҳудудидан 57 та уй-жойлар қурилиши учун ер участкаси аукцион савдоларига чиқарилди. Ушбу уй-жойлар 2026 йил якунида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Навоий вилоятда 2025 йилда шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилиши, бош режалар бўйича ҳам талай ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ҳамда 2023-2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-299-сонли қарори билан тасдиқланган дастур доирасида 2025 йилда виллоятда жами 7 та шаҳарча қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилиши режалаштирилган.

Шунингдек, жорий йилда Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси қoшидаги Архитектура-шаҳарсозлик кенгаши томонидан 46 та Кенгаш йиғилиши ўтказилган бўлиб, бунда туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан юборилган 141 та ер танлаш материали кўриб чиқилган. Шундан, 62 тасига кенгаш томонидан тўғридан-тўғри ва тегишли шартлар асосида ижобий ҳулоса берилган, 79 та материал Кенгаш комиссия аъзолари томонидан рад этилган.

“Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 200-сонли қарорига асосан, туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари томонидан 2025 йилда 7700 та мурожаат келиб тушган бўлиб, 5515 таси ижобий ҳулоса берилган. 1865 та рад этилган, 478 таси аризачи томонидан бекор қилинган, 87 та ариза жараёнда. Бош бошқармасининг Давлат хизматларини кўрсатиш бўлимига давлат хизматлари кўрсатиш электрон тизими орқали арт ҳужжатлари тайёрлаш учун 1936 та мурожаат

КОММУНАЛ СОҲА – АҲОЛИ ТАҚДИРИ БИЛАН БЕВОСИТА БОҒЛИҚ

Коммунал соҳа юзасидан олиб бориладиган ишлар ҳақида сўз юритадиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан, виллоят ҳокимининг қарори қабул қилиниб, “Иқтисодий тармоқлари, ижтимоий соҳа объектилари ва кўп қаватли турар жой фондидан 2025/2026 йиллар кузги даврида барқарор ишлашга тайёрлаш юзасидан чора-тадбирлар режаси” ишлаб чиқилиб, ҳар бир шаҳар, туман ва объектилар кесимида амалга ошириладиган ишлар белгилаб берилди. Ушбу ишларни самарали ташкил этиш ҳамда мониторинг қилиш учун туну кун ишловчи штаблар ва мониторинг гуруҳлари ҳам йўлга қўйилган.

Бугунги кунда виллоятимизда 2072 та кўп қаватли уй-жойда 91 минг хонадон мавжуд бўлиб, уларга 71 та бошқарув ташкилоти томонидан коммунал хизмат кўрсатишмоқда. Кўп қаватли уйлارнинг 1366 таси 1991 йилгача, 152 таси 1991-2016 йилгача, 554 таси 2016-2024 йилларда қуриб фойдаланишга топширилган. Бошқарув ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан 417 та кўп қаватли уйлари таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, амалда 100 фоиз бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 17 февралдаги 98-сон қарорига асосан, 6 та лифт ускунасини янгисига алмаштириш белгиланган бўлиб, бу ишлар ҳам тўлиқ амалга оширилди. Дебитор қарздорликни камайтириш мақсадида бош бошқарма биносига штаб ташкил этилди ҳамда кунлик суд тизими орқали аризалар юборилиши назоратга олинди. Натижаяда, 2025 йил 1 декабрь ҳолатига жами 69,7 миллиард сўм мажбурий бадал маблағлари ундириш белгиланган бўлиб, амалда 65,8 миллиард сўм 95 фоиз дебитор қарздорлик ундирилишига эришилди.

Иссиқлик тизими бўйича режага кўра, мукамал таъмирлаш кўзда тутилган 1,4 километр иссиқлик тармоқларида ишлар тўлиқ якунланган. Жорий таъмирланиши режалаштирилган 33 донга иссиқлик қозони, 14,6 километр марказлашган иссиқлик тармоқлари ва 79 донга насос ускунасини таъмирлаш ишлари ҳам 100 фоиз бажарилган.

Келгуси йилга ҳам режалар бисёр



Бобур МАМАТОВ, Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи.

Якунига етаётган йилда виллоятимизда бунёдкорлик соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Бундан ташқари “Янги Ўзбекистон” массивларида 1 та 1680 ўринли, 1 та 504 ўринли иқтисослашган умумтаълим мактаби, 2 та (120, 120) ўринли МТТ, “Кураш маҳорати” спорт мактаби, 200 қатновли оилавий поликлинника, “Инно” инновацион ўғув ишлаб чиқариш технопарки ва Давлат тест маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди.



Масалан, 2017 йилда виллоятдаги жами уй-жойлар сони 2039 тани ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда Президентимизнинг тегишли фармонларига асосан жами 518 та 19 116 хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қуриб, фойдаланишга топширилган. Қурилган уй-жойларни сотиб олиш учун 2 996,7 миллиард сўм ипотека кредитлари ажратилган.

2025 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 февралдаги ПФ-26-сонли Фармонида асосан, жорий йилнинг ўзига виллоятимизда 5 700 хонадонли 134 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган эди. Ҳозирга қадар 55 та 2 372 хонадонли уй-жойлар, жумладан, “Янги Ўзбекистон” массивларида 538 хонадонли 15 та талаб юқори бўлган бошқа ҳудудларда 1 628 хонадонли 36 та ҳамда реновация дастурига асосан, 105 хонадонли 4 та уй-жойлар фойдаланишга топширилган.

Аҳамиятисиз, 676 та фуқарога 20,3 миллиард сўм субсидия тўлаб берилди.

Шунингдек, жорий йилда Шароф Рашидов тумани “Оқтош ота” МФИ ҳамда Дўстлик тумани “Чинобод” МФИ ҳудудларидаги “Янги Ўзбекистон” массивларида инфратузилма объектиларини қуриш бўйича 7,9 километр ички ва ташқи йўллар, 9,5 километр оқова сув, 5,6 километр ичимлик суви, 11,2 километр электр ҳамда 5,6 километр иссиқлик тармоқлари қурилди. 29 донга трансформатор пун-

кти ўрнатилиб, 1 та қозонхона қуриш ишлари амалга оширилди.

Бундан ташқари “Янги Ўзбекистон” массивларида 1 та 1680 ўринли, 1 та 504 ўринли иқтисослашган умумтаълим мактаби, 2 та (120, 120) ўринли МТТ, “Кураш маҳорати” спорт мактаби, 200 қатновли оилавий поликлинника, “Инно” инновацион ўғув ишлаб чиқариш технопарки ва Давлат тест маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди.

2026 йилда ҳам ушбу ишларни изчил давом эттирган ҳолда, аҳолининг талаб ва тақлифларини инобатга олиб, 4 400 хонадонли 123 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилмоқда. Бундан ташқари мавжуд массивлар ҳудудида 7,6 километр ички ва ташқи йўллар қурилиб, 16,5 километр оқова ва ичимлик суви, 13,4 километр электр ҳамда 4,8 километр иссиқлик тармоқлари, 1 донга подстанция қурилиши амалга оширилиши белгиланган. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 2 декабрда виллоятта ташрифи давомида Шароф Рашидов тумани ва Жиззах шаҳри ўртасидаги 40 гектар бўш ер майдонда “Янги Ўзбекистон” массиви ташкил этган ҳолда, бу ерда 1 минг 200 хонадонли 50 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилмоқда. Буларнинг натижасида илг якунига қадар 17,5 минг нафар аҳолини сифати уй-жойлар билан таъминлашга эришилиши кутурилади.

2025 йил таълим муассасамиз учун қизғин ва янгиликларга бой бўлди



Др. Чидем ТУРКИЙЛМАЗ, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети ректори.

Бугунги кунда Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети мамлакатимизда архитектура ва қурилиш соҳаси учун билимли ва малакали кадрлар тайёрлаб келаётган муҳандислик соҳасидаги етакчи олий таълим муассасаларидан бири сифатида фаолият юритиб келяпти.

Айни пайтда университетда 9000 атрофида талаба таҳсил олаётган бўлиб, уларга 400 нафарга яқин малакали профессор-ўқитувчи таълим-тарбия беради. Профессор-ўқитувчилар таркибига соҳанинг етуқ фан докторлари (DSc), фан номзодлари ва фалсафа докторлари (PhD) бор. Таълим сифати ва меҳнат бозорига мослик натижаси сифатида 2024/2025 ўқув йилида университет битирувчиларининг 90 фоизидан ортиғи иш билан таъминланган. Ҳозирги кунда университет таркибига 4 та – Архитектура, Қурилиш, Иқтисодий ва бошқарув ҳамда Маданий мерос объектиларини асраш факультетлари фаолият кўрсатмоқда. Таълим жараёнида 39 та бакалаврият таълим йўналиши, 13 та магистратура ва 16 та докторантура мутахассисликлари асосида амалга оширилмоқда.

2025 йил таълим муассасамиз учун қизғин ва янгиликларга бой бўлди. Ҳозирда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети халқаро ҳамкорлик алоқаларини изчил кенгайтириб, дунёнинг нуфузли олий таълим ва илмий марказлари билан самарали алоқалар ўрнатиб келмоқда. Ушбу ҳамкорликлар илмий тадқиқотлар, инновацион ишланмалар, академик мобиллик ҳамда маданий ва талабалар алмашину-

ви дастурлари орқали глобал академик макон билан интеграцияни мустаҳкамлашга хизмат қилапти.

Сўнгги йилларда университет профессор-ўқитувчиларидан 80 нафарга яқини етакчи хорижий таълим ва илмий муассасаларда стажировкада бўлиб, ўз мутахассисликлари бўйича малака ва педагогик тажрибаларини орттириш имкониятига эга бўлишди. Шунингдек, архитектура ва қурилиш соҳасида катта тажрибага эга бўлган 18 нафар хорижий мутахассис университетимизда семинар ва тренинглар ўтказди. Ҳозирги вақтда 17 нафар хорижий профессор-ўқитувчи ва мутахассис университетнинг таълим жараёнига жалб қилинган.

Бугунги кунга келиб университетнинг 90 дан ортиқ хорижий олий таълим муассасалари ва саноат корхоналари билан меморандум ва ҳамкорлик шартномалари мавжуд. Ушбу ҳужжатлар асосида турли илмий, таълимий ва инновацион лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилда халқаро ҳамкорлик доирасида амалга оширилган муҳим қадамлардан бири сифатида Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети ва Хитой Халқ Республикасининг “Хенгда қурилиш сифатини



назорат қурилиш бюроси” ўртасида умумий қиймати 4 миллион долларлик шартнома имзоланганини келтириб ўтишимиз мумкин. Мазкур келишувга мувофиқ, университет ҳузурида “Қурилиш муҳандислиги сифатини назорат қилиш илмий-тадқиқот институтини” ташкил этилди. Ушбу лойиҳа доирасида ҳозирги кунда 1 миллион долларлик замонавий лаборатория жиҳозлари етказиб берилди, қолган ускуналарни ҳам босқичма-босқич етказиб бериш режалаштирилган.

Шунингдек, университетда ёшлар ўртасида илмий ва маданий ҳамкор-

ликни ривожлантириш мақсадида мунгазам равишда ёғи, кузига ва қиши халқаро мактаблар ҳамда workshopлар ҳам ташкил этиб келинмоқда. Ушбу тадбирлар орқали университет талаба-ёшлари ва профессор-ўқитувчилари хорижий давлатларда ўтказиладиган халқаро мактабларда доимий иштирок этиб, ўз билим ва тажрибаларини ошириб келмоқда.

Қувонарлиси, СамДАКУ талабалари нафақат илмий изланишларда, балки маданий ва ижодий йўналишда ҳам фаол. Айни пайтда университетда 28 та талабалар клуби фаолият юри-

тиб, улар 5 ташаббус, мутахассислик ва алоҳида йўналишлар бўйича самарали иш олиб бормоқда. Жумладан, “Улуғбек ворислари” театр жамоаси сахна санъатига қизиққан талабалар учун ўз истеъодини намойиш этиш имконини берувчи ижодий майдонга айланган. Ушбу ижодий жамоанинг ёрқин натижаси сифатида 2025 йилда ўтказилган Талабалар театр студиялари Республика кўрик-танловига Эрих Узария Ремаркнинг “Гарбий фронтда Угарияш йўқ” асари асосида сахналаштирилган спектакл билан Республика миқёсида 1-ўринни қўлга киритганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳулоса қилиб айтганда, университет бугунги кунда барқарор ривожланиётган, таълим сифати ва илмий салоҳияти юксалиб бораётган нуфузли олий таълим муассасаси сифатида ўз фаолиятини изчил давом эттирмоқда. Келгусида университетда таълим ва илмий тадқиқотлар сифатини янада ошириш, саноат ҳамда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, замонавий лабораториялар ва инновацион инфратузилмани ривожлантириш, шунингдек, битирувчиларнинг рақобатбардошлигини кучайтиришга қаратилган фаолиятни изчил давом эттиришни режалаштирган.



Илҳом Тўраев, "Иссиқлик таъминоти" АЖ бошқаруви раиси.

Президентимизнинг жорий йил 11 мартдаги ПҚ-100-сонли қарорига асосан, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузурида "Иссиқлик таъминоти" акциядорлик жамияти ташкил этилди. Мазкур қарор билан, иссиқлик таъминоти соҳасида энергия самарадор технологияларни жорий қилиш, қайта тикланадиган манбалардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш, хизматлар сифатини ошириш ва узлуксизлигини таъминлаш, илғор хорижий тажрибалар асосида иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришдан бошлаб, яқуний истеъмолчига етказиб беришга самарали тизимни жорий этиш, тизимларда йўқотишларни камайтириш чораларини кўриш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Ташкил этилганига ҳали бир йил тўлмаган бўлсада, "Иссиқлик таъминоти" АЖ томонидан республика миқёсида катта ишлар амалга оширилди. Соҳани янада такомиллаштиришга хизмат қилувчи йирик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича катта режа ва мақсадлар белгилаб

"ИССИҚЛИКТАЪМИНОТИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ:

АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ВА КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР

олинди. Ҳозирда олдимизга қўйилган барча режаларни малакали мутахассислар билан биргаликда амалга ошириб келяпмиз. Асосий мақсад - халқимиз ҳаётига енгиллик олиб кириш, уларнинг яшаш шароитини янада яхшилашдан иборат.

Дарҳақиқат, бугунги кунда республикада жами 1 миллион 539 мингдан ортиқ хонадонли 44 318 та кўп қаватли уйлар мавжуд бўлиб, шундан, 731 мингдан зиёд хонадонли 16 063 та кўп қаватли уй ҳамда 2 543 та ижтимоий соҳа объекти марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминланган. Худудларда фаолият юритаётган иссиқлик таъминоти корхоналарида жами 551 та қозонхона ва 4 070,6 км иссиқлик тармоқлари мавжуд бўлиб, улардан ҳозирда 525 та қозонхона ва 3 642 км иссиқлик тармоқлари фаолият кўрсатмоқда. Жамият томонидан иссиқлик таъминоти объектиларини қуриш ва модернизация қилиш ишлари олиб борилди.

МАВСУМНИ БЕТАЛАФОТ ЎТКАЗИШ МУҲИМ МАСАЛА

Иссиқлик тизимини мавсумда барқарор ишлашга тайёрлаш мақсадида 28 миллиард сўм маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 53 та қозон ва 93 километр иссиқлик тармоқларини мукамал таъмирлаш ишлари бажарилди. Бундан ташқари, иссиқлик таъминоти корхоналарининг 15,2 миллиард сўм маблағлари ҳисобидан 598 та қозон ва 519 километр иссиқлик тармоқлари жорий таъмирланди. Шу билан бирга, кузги мавсумини беталафот ўтказиш, иссиқлик қувурлари, қозон ва қозон ёрдამчи ускуналарида юзага келган носозликларни зудлик билан бартараф этиш мақсадида 8,4 километр иссиқлик тармоқлари, 411 дан ортиқ задвижка, 3 379 кг электрод ва 35 та дизель генератор захираси яратилди.

Мавсум давомида ҳаво ҳароратининг кескин пасайиш ҳолатлари кузатилганда истеъмолчиларга белгилаб берилган параметрда иссиқлик энергияси етказиб бериш мақсадида 20 минг 500 тонна кўмир захираси яратилмоқда. Бундан ташқари, барча қозонхоналарда ишчи ҳолатдаги захира ко-

зонлар мавжуд. Шунингдек, муқобил энергия ресурсларининдан фойдаланиш бўйича худудлардаги Иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан 2023-2024 йиллар давомида 439 кВт қувватдаги қуёш панеллари ўрнатилган бўлса, 2025 йилда бў кўрсаткич 231 кВтни ташкил этмоқда.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВА ЖАХОН ТАЖРИБАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Иссиқлик таъминоти соҳасига илғор технологиялар ҳамда жаҳон тажрибасини татбиқ этиш мақсадида Саудия Арабистони Қироллигининг "Saudi Tabreed" компанияси томонидан қиймати 20,3 миллион долларлик, қуввати 21,5 МВт электр ва 53 Гкал иссиқлик қувватига эга когенерация марказини қуриш тўғрисида келишув имзоланган. Лойиҳа Нукус шаҳрида амалга оширилиши белгиланган. Келишувга асосан, 5 та газ-поршень ускунаси, 3 та сув иситиш қозони ва 14 километр иссиқ сув тармоғи, 15 километр газ тармоғи қурилади ҳамда 145 та индивидуал иситиш пункти барпо этилади. Натижада 172 миллион кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, 145 та кўп квартирали уйлар ва 31 та ижтимоий соҳа объекти иссиқлик энергияси билан таъминланади. Когенерация ускунасида атроф-муҳитга чиқиб кетаётган иссиқликдан самарали фойдаланиш ҳисобига, йилига 6 миллион м³ га табиий газ тежалари ва 6 100 тоннагача иссиқхона газлари эмиссиясининг олди олинади.

Шунингдек, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича халқаро ҳамкор ташкилотлар билан жами қиймати 313,8 миллион доллар бўлган 3 та келишув бўйича ишлар олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳалар доирасида 656,8 километр иссиқлик тармоқлари, 293 МВт қувватдаги қозонхона ва 2 285 та ИИПлар ўрнатиш орқали 3044 та кўп квартирали уйлар ва 500 та ижтимоий соҳа объектини марказий иссиқлик таъминотига улаш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, 2025 йил давомида мавжуд иссиқлик таъминоти объектиларини модернизация қилиш ва "Янги Ўзбекистон массивлари"даги объектиларни иссиқлик таъминоти билан таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда мазкур датур доирасида 157 километр иссиқлик тармоқларини тортиш, 67 та иситиш қозонини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, иссиқлик таъминоти корхоналари тасарруфидоги 19 та иситиш қозонлари ва 88,9 километр иссиқлик тармоқларида қурилиш ва модернизация ишлари, "Янги Ўзбекистон" массивларида 48 та иситиш қозони ва 68,1 километр иссиқлик тармоқларини қуриш бўйича ишлар тизимли ташкил этилган. Амалга оширилган ишлар натижасида 2853 та кўп квартирали уйлар ҳамда 293 та ижтимоий соҳа объекти иссиқлик таъминоти билан таъминланиб, 754 минг м³ табиий газ ва 183 минг кВт электр энергияси иқтисод қилиниши кўзда тутилган.

МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

Таъкидлаш лозимки, иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан жорий йилда 1,4 миллион Гкал иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилиб, 1 миллион Гкал иссиқлик энергияси сотиб олинган. 2025 йил январь-декабрь ойларида тизим ташкилотлари томонидан жами 1,7 миллион Гкал иссиқлик энергияси, шундан, аҳоли 1,4 миллион Гкал ва юридик истеъмолчиларга 310 минг Гкал иссиқлик энергияси етказиб берилди. 2025 йил 1 январь ҳолатига Иссиқлик таъминоти корхона-



2026 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР

2026 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида жами 565,7 миллиард сўм маблағ ҳисобидан жами 34 та объектда 27 та қозонхона қуриш ва модернизация қилиш, 328,7 километр иссиқлик тармоқларини тортиш ишларини амалга ошириш натижасида 106 710 хонадонли 1 955 та кўп квартирали уйлар ва 54 та ижтимоий соҳа объектиларини иссиқлик таъминоти билан таъминлаш режалаштирилган.

Келгуси йилда иссиқлик таъминоти объектиларини мукамал таъмирлаш учун 31 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, унда 36 та қозонхона ҳамда 33,6 километр тармоқлар мукамал, 76 та қозонхона ва 80 километр иссиқлик тармоқлари жорий таъмирланиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, 2030 йилга белгиланган режага мувофиқ, 2 390 миллиард сўм маблағ ажратилиб, 85 та қозонхона, 614,6 километр иссиқлик тармоғи ҳамда 3 829 та ИИПлар янгитдан қурилиши белгиланган. Натижада 3 044 та кўп қаватли уй ва 231 та ижтимоий соҳа объекти иссиқлик таъминоти билан тўлиқ таъминланади.

2026 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида жами 565,7 миллиард сўм маблағ ҳисобидан жами 34 та объектда 27 та қозонхона қуриш ва модернизация қилиш, 328,7 километр иссиқлик тармоқларини тортиш ишларини амалга ошириш натижасида 106 710 хонадонли 1 955 та кўп квартирали уйлар ва 54 та ижтимоий соҳа объектиларини иссиқлик таъминоти билан таъминлаш режалаштирилган.

Келгуси йилда иссиқлик таъминоти объектиларини мукамал таъмирлаш учун 31 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, унда 36 та қозонхона ҳамда 33,6 километр тармоқлар мукамал, 76 та қозонхона ва 80 километр иссиқлик тармоқлари жорий таъмирланиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, 2030 йилга белгиланган режага мувофиқ, 2 390 миллиард сўм маблағ ажратилиб, 85 та қозонхона, 614,6 километр иссиқлик тармоғи ҳамда 3 829 та ИИПлар янгитдан қурилиши белгиланган. Натижада 3 044 та кўп қаватли уй ва 231 та ижтимоий соҳа объекти иссиқлик таъминоти билан тўлиқ таъминланади.



Йил сарҳисоби:

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КЎЛАМИ ОРТДИ

Дилшодбек Қўлдашев, "Андижон сув таъминоти" АЖ директори.

Сўнгги йилларда республикамизда, жумладан, Андижон вилоятида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида ҳатто энг чекка худудлардаги хонадонларга ҳам сув жўмакларни ўрнатилиб, халқимиз турмуш шароити сезиларли даражада яхшиланмоқда.



Масалан, сўнгги саккиз йилда 5 минг 638 километр тармоқ тортилиб, 1 155 та сув кудуғи ҳамда 70 та сув иншоотида таъмирлаш ва янгитдан қуриш ишлари амалга оширилди. Натижада 738 минг нафар аҳолининг ичимлик

суви таъминоти яхшиланиб, 828 та маҳаллада яшовчи 996 минг нафар аҳоли илк бор тоза ичимлик суви билан таъминланди. Вилоятнинг сувлашганлик даражаси 67 фоиздан 92,1 фоизга етказилди.

Худудларни сувлаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатишда давлат дастурларининг аҳамияти катта. Маълумотларга кўра, 2025 йил давомида барча дастурлар доирасида 98 миллиард 325 миллион сўм маблағ ҳисобидан 236 километр ичимлик суви тармоғи тортилиб, 26 та сув иншооти ҳамда 8 та сув кудуғи қурилади ва реконструкция қилинди. Бу ишлар натижасида 8 минг нафар аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланиб, 12 минг нафар аҳолига кўрсатилётган хизмат сифати яхшиланди. Айниқса, ижтимоий жиҳатдан оғир худудларни сувлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада чекка маҳаллалардаги ҳар бир хонадонга сув жўмағи ўрнатилиб, "оби ҳаёт" кириб борди. Вилоятнинг сувлашганлик даражаси 92,1 фоизга етказилди.

Бутун бутун дунёда сув билан боғлиқ муаммолар кучайиб бормоқда. Бунга сувдан нотўғри фойдаланиш, исроф қилиш каби ҳолатлар ҳам сабаб бўлмоқда. Мутахассислар маълум қилишича, агар бу ҳолат шу тарзда давом этса, 2050 йил-

га бориб инсоният жиддий сув танқислигига юз тутиши мумкин. Афсуски, бу ҳавф мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмайпти. Шу боис, тоза ичимлик суви захираларини асраш ва ундан унумли фойдаланиш бугуннинг долзарб вазифасига айланган.

Шу мақсадда, "Андижон сув таъминоти" акциядорлик жамияти томонидан сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, исрофгарчиликни камайтириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги муҳим лойиҳалардан бири - сув жўмакларига сув ҳисоблагичларини ўрнатишдир. Мазкур ускуналар сув сарфини аниқ олишга хизмат қилади. Зеро, аънанавий усулда сувдан фойдаланилганда унинг қарийб 27 фоизи беҳуда сарфланади. Сув ҳисоблагичлар ўрнатилиши орқали ана шу миқдордаги сувни ҳам тежаш имкони яратилади.

Айни пайтда вилоятда 542 минг нафар истеъмолчи мавжуд. 2025 йил давомида 1,1 миллион нафар истеъмолчини сув ҳисоблагичлари билан таъминлаш

режалаштирилган бўлсада, амалда 109 минг 238 та ускуна ўрнатилди. Натижада таъминот даражаси 70 фоизга етди. Ҳолбуки, ўтган йил бу кўрсаткич атиги 47 фоизни ташкил этган эди. Сув ҳисоблагичларининг ўрнатилиши нафақат сувни тежаш, балки истеъмолчилар томонидан тўланадиган тўловларни ҳам адолатли ва иқтисодли бўлишига хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, соҳа ривожига муаммолар ҳам йўқ эмас. Асосий муаммо истеъмолчилар томонидан тўловларни ўз вақтида амалга оширмастик билан боғлиқ. Бугунги кунда бу борадаги қарздорлик 92 миллиард сўмга етган. "Андижон сув таъминоти" АЖ томонидан қарздорликни камайтириш мақсадида маҳаллабай ва хонадонбай ишлаш тизими жорий этилди. Ҳар бир истеъмолчи билан юзма-юз суҳбатлар ўтказилиб, қарздорлик оқибатлари тушунтирилди. Натижада қарз ундириш кўрсаткичи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 35 миллиард сўмга ошди.

Жорий йилда қарздорликни ундириш бўйича 10 минг 367 та, қийма-

ти 19 миллиард 425 миллион сўмлик даъво аризалари судга киритилди. Улардан 7 миллиард 361 миллион сўмлик қисми суд томонидан ижобий ҳал этилди. Шунингдек, норевал қарздорликларни аниқлаш мақсадида хатлов ишлари ўтказилди. Ҳозирда аҳоли назоратчилари томонидан мuddати ўтган қарздорликлар бўйича хонадонларга огоҳлантириш ва талабномалар тарқатилмоқда.

2025 йилда Андижон вилоятида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатиш бўйича бошланган ишлар 2026 йилда ҳам изчил давом эттирилади. Бунинг учун аниқ истиқболли режалар ишлаб чиқилган бўлиб, уларни амалга оширишга қаратилган тайёргарлик ишлари яқунланмоқда. Бир сўз билан айтганда, "Андижон сув таъминоти" АЖ томонидан аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Бу эса, инфратузилманинг ривожланиши орқали аҳоли турмуш сифатини янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

ЯНГИЧА ИСИТИШ ТИЗИМИ

ХОНАДОНЛАРНИ ИССИҚЛИК БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА САМАРА БЕРАДИМИ?

Юртимизда қиш бошланиб, кунлар яхшигина совиб қолди. Шунга қарамай, ишхонада енгил кийимда ўтириб ҳам баъзан дераза тирқишини бир оз очиб қўямиз. Чунки хонадаги ҳарорат анча иссиқ. Уйга қайтганда ҳам шундай, иссиқ хоналар газ босими яхши экани, иситиш тизимлари ишлаётганини билдиради. Бундан кўнглимиз хотиржам ҳам бўлади.

Аммо куз-қиш мавсумида барибир бир оз хавотирда турамиз. Боиси, ҳаво ҳарорати пасайиши сабаб юртимиз аҳолисининг газ ва электрга талаби бир неча баробар ортади. Натижада умумий тармоқларга кўпроқ юклама тушиб, газ ёки электрда вақтинчалик узлишлар юзага келиши мумкин. Соҳа аъзадари мавсумга йил давомида тайёрларлик кўриб, таъминотда узлишлар бўлмаслигини таъкидлашга қарамай, мавсум келгач, айрим чекловлар ўрнатилиши ҳамон сақланиб қолмоқда. Бу, айниқса, суўлтирилган газ таъминотида кўзага ташланади.

Кўпчиликнинг ёдида, ўтган йили совуқ сабаб автомобилларга метан қуйиш шохобчалари фаолиятига вақтинча чекловлар ўрнатилиб, айрим сонаот корхоналарини газдан узиб қўйиш ҳолатлари ҳам кузатиладигани. Мутасаддилар бу чораларни биринчи навбатда, аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектларини табиий газ билан таъминлаш, уларда газ босими пасайишининг олдини олишга қаратилгани билан изоҳлаган. Навбатдаги мавсумда бундай ҳолатлар тақрорланмаслиги учун жиддий тайёрларлик кўриладигани ҳам айтилган.

Аммо бу йилги қиш мавсуми кириб келиб, ҳаво нисбатан салқинлашиши билан яна метан шохобчалар фаолиятига вақтинчалик чеклов киритилиб, уларнинг иш вақтлари бўйича ҳар бир ҳудуд учун алоҳида режа-графиклар эълон қилинди. Ҳолатни мутасаддилар қўшни давлатдаги газ тармоғида кузатиладиган техник носозлик туфайли импорт қилинаётган табиий газ қискаргани билан изоҳлаб, бу вақтинча эканини билдирди. Бундай вазиятда аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектларини табиий газ билан таъминлаш боши мақсад экани боис, ана шундай чоралар кўриладигани ҳам қўшимча қилинган.

Хабар ижтимоий тармоқларда тарқалган, одамларнинг жиддий эътирозларига сабаб бўлгани тушунарли. Айниқса, хайдовчилик ортидан тиркичилик қиладиган одамлар учун метан шохобчаларда соатлаб навбат кутиш бир муаммо бўлса, бунинг ортидан йўқотиладиган вақт, кўриладиган моддий зарар яна бир масалага айланган. Шундай вақтда одамларни табиий газнинг тортилиши хонадонларини иссиқлик билан таъминлашда ҳам муаммоларни келтириб чиқармайди, босим пасайган вақтларда қандай чоралар кўрилади, авваллари бўлгани каби қишни совуқ уйларида ўтказамиз, деган ҳақли саволларга жавоблар қизиқтирмоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган табиий газ аҳоли эҳтиёжини қоплаш учун етарли, фақат бунинг тўғри тақсимлаш керак, – деди “Иссиқликтаъминоти” АЖ бошқаруви раиси Илхом Тўраев. – Боиси, бу йилги қиш мавсуми қандай ўтиши, ҳаво ҳароратидаги кутилмаган ўзгаришлар ҳақида аниқ гап айтолмаймиз. Аммо ишонч билан айтишим мумкинки, жорий куз-қиш мавсумига тайёрларлик ўтган йиллардагидан тубдан фарқ қилади ва бажарилган ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Бу чора-тадбирлар, биринчи навбатда, одамларнинг иссиқлик таъминотида бўлган талабни қондиришга қаратилган. Юртимиз



иссиқлик таъминоти тизимидаги туб иссохотлар ва соҳани замонавийлаштириш ишлари 2017 йилдан кейин бошланган бўлса, шундан бери олдимизга қўйилган асосий вазифа аҳоли эҳтиёжини тўла қондириш бўлиб турибди. Тегишли қарор билан 2030 йилгача қилиниши керак бўлган ишлар аввалида ҳам шу омил бирламчидир. Бунинг учун барча чоралар кўриляпти.

Айни пайтда тизимда мавжуд 500 дан ортиқ қозонхонанинг ҳаммаси табиий газда ишлашга мўлжалланган. Охириги икки йилда қурилган 3 та қозонхона муқобил ёнилғида ҳам ишлашга мослаштирилди. Бунда, асосан, дизель ёнилғиси назарда тутилди, фақуллода зарур ҳолатлардагина қўлланилади. Лекин шу кунгача муқобил ёнилғи захирасига талаб бўлмади. Чунки газ босими етарли ва охириги йилларда кузатиладиган аномал совуқ кунларда ҳам аҳоли хонадонларига табиий газ етказиб берилляпти. Совуқ мавсумнинг узайиб кетиши каби турли ҳолатларда эса “Худудгаз-таъминот” АЖ билан ҳамкорликда ишлашиб, табиий газ босимини ростлаш ёки кўтариш чоралари кўрилади.

Очиғини айтиш керак, юртимиз иссиқлик таъминоти тизимига 2017 йилгача деярли эътибор қаратилмагани боис, муаммолар тўпланиб қолган. Эски қурилмалар ортидан бошқарувда автоматлаштириш тизими йўқ бўлиб кетган. Ана шу муаммолар бирин-кетин бартараф этиляпти. Бунинг учун қатта маблағ ажратилляпти. Мухими, тизимда битта нарсга ўзгарган – асосий мақсад инсон истеъмолчилар эҳтиёжларини таъминлашга қаратилляпти. Буни кишининг изгиринида ҳам иссиққина уйда ўтирган аҳолининг ўзи-да билапти, сезяпти, тан оляпти.

Тизимда йилдан йилга илғор, энергетика тармоқлари технологияларни қўллаш кўрсаткичи ортиб бораётгани иш самардорлигини оширмоқда. Хусусан, жорий йилги мавсумга тайёрларлик давомида насос қурилмаларга қўшимча ускуналар ўрнатилиб, қозонхоналар тўлиқ автоматлаштирилди, замонавий қурувлардан фойдаланиляпти. Бундай қурувлар газ йўқотишларини 7-8 фоиздан 3-5 фоизга туширган. Бу ҳам иссиқлик энергияси етказиб бериш сифатини янада оширади.

Газ ўрнига электр энергияси: қачондан амал қилади?

Хонадон иссиқ, чироқ доим ёниқ бўлиши ҳам одамнинг кун давомидаги кайфияти, иш самардорлиги, ҳатто бошқалар билан мулоқотига таъсир кўрсатади. Уйда чироқ ўчиб қолса, бирдан беҳаловат бўламиз, чунки нафақат ёруғлик, балки биз кундалик фойдаланадиган аксарият техникаларнинг ишлаши электр токига боғлиқ. Оддийгина телефонни қувватлантира олмади қолса, қанча асабийлашамиз. Иссиқлик таъминоти ҳам шундай, кишининг совуқ кунда уйимиз иссиқ бўлмаса, мавсумини ўтказиш ҳақиқий азобга айланади.

Вазирнинг мазкур нутқи жамоатчилик орасида бирдангина турли фикрларни келтириб чиқарди. Аҳоли хонадонлари босқичма-босқич газдан электр энергиясига ўтказилиши ҳақида гаплар тарқалди. Интернет тармоқларида “Энди газ ўрнига ҳам электр энергиясидан фойдалансак, нарх-наво янада ошиб, истеъмол ортиши ҳисобига электр токи узлишлари кўпаяр экан-да” мазмунлидаги эътирозлар авж олди. Янги тартиб

Аммо суўлтирилган газ табиий манба бўлиб, унинг захираси абадий эмас. Оқилона, тежамкорлик билан фойдаланилмаса, охири кўриниб қолиши мумкин. Ҳозирча унинг электр энергияси каби қайта тикланувчи, муқобил манбалари мавжуд эмас. Аммо унинг ўрнини электр энергияси ҳисобига тўлдириб бериш мумкин. Гап яқинда энергетика вазири тилга олган ва ижтимоий тармоқларда шов-шув ҳамда муҳокамага сабаб бўлган янги иситиш стратегияси ҳақида борапти.

Жорий йилнинг 11 декабрь кунини Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида энергетика вазири Жўрабек Мирзамаҳмудов бундан бунён табиий газ ўрнига электр энергияси ҳисобидан иситиш тизимига ўтиб борилиши ҳақида гапирди.

“Биз бундан бунён кўпроқ электр энергияси билан барқарор таъминлаш ҳисобидан иситиш бўйича алоҳида ишлашимиз керак. Норвегия газ бўйича энг бой давлат, лекин умуман газда иситиш тизимига ўтиб боришга қарамай, уларда совуқ кунлар бизга нисбатан кўпроқ. Шунинг учун электр энергиясидан иситиш даври учун имтиёзли тарифлар жорий қилиш бўйича ҳисоб-китоб қилдик. Кишки мавсумда тўлиқ электр энергиясидан иситиш учун 2 минг киловатт-соат етарли бўлар экан. Шу бўйича ҳозир Иктиодиёт ва молия вазирлиги билан ишлаяпмиз”, деди Ж. Мирзамаҳмудов.

Вазирнинг мазкур нутқи жамоатчилик орасида бирдангина турли фикрларни келтириб чиқарди. Аҳоли хонадонлари босқичма-босқич газдан электр энергиясига ўтказилиши ҳақида гаплар тарқалди. Интернет тармоқларида “Энди газ ўрнига ҳам электр энергиясидан фойдалансак, нарх-наво янада ошиб, истеъмол ортиши ҳисобига электр токи узлишлари кўпаяр экан-да” мазмунлидаги эътирозлар авж олди. Янги тартиб

қачондан ва кимлар учун амал қилиши, унга қандай ўтилишини тушунмаганлар ҳам кўп.

Шу каби очиқ қолган саволларга жавоб бериш мақсадида Энергетика вазирлиги стратегик ислохот юзасидан қўшимча ахборот эълон қилди. Унда таъкидланишича, хорижий мамлакатларда уй-жойлар қуришда истеъмолни тўлиқ электрлаштириш оммалашиб бормоқда. Ўзбекистонда ҳам энергия истеъмоли маданиятини ошириш, янги барпо этилаётган кўп қаватли турар жойларни тўлиқ электрлаштириш, овқат тайёрлаш учун электр плиталари билан таъминлаш, иситиш тизимини электр энергиясига ўтказиш ҳамда табиий газ тармоқларига уланмаган кўп хонадонли уйлар, ётоқхоналар ва газлаштирилмаган худудлардаги ҳовиллар учун имтиёзли тарифларни жорий этиш бўйича ҳисоб-китобларга асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

Лойиҳага кўра, газлашмаган кўп қаватли уйлар, ётоқхоналар ва худудларда яшовчи маиший истеъмолчиларга ойлик истеъмол ҳажмига қараб иситиш мавсумида 2000 киловатт-соатгача, иситиш мавсумидан ташқари эса 1000 киловатт-соатгача бўлган қисмига амалдаги тарифга нисбатан 50 фоизга чеғирма қўллаш назарда тутилмоқда. Бунда аҳоли субсидияланганидан нархлардаги суўлтирилган газ, кўмир ёки табиий газдан фойдаланмаётган бўлиши лозим. Яъни аҳоли хонадонлари иситиш тизими тўлиқ электр энергиясига ўтказилиши режалаштирилляпти. Энергетика вазирлиги маълумотига кўра, жараён босқичма-босқич амалга оширилади. “Айни пайтда қилинаётган ҳисоб-китоблар ва техник аудит якунига кўра умумий ҳулоса шакллантирилади ва шундан сўнг таклифларнинг амалиётга таъбиқ этилиши таъминланади”, дейилади расмий баёнотда.

Очиғи, аҳолининг кундалик ҳаётда

газ плиталари, электр токида ишлайдиган иситиш қурилмаларидан фойдаланиши янгилик эмас. Кўплаб фойдаланувчилар электр плиталар табиий газ босимичалик қатта қувватга эга эмаслиги ва юқори ҳажмдаги электр энергияси талаб қилишини айтади. Аммо кейинги йилларда бундай ускуналар ўрнини ҳам юқори қувватли, энергетикакор авлодлари эгаллаётди. Қолаверса, уйга иссиқлик берадиган қурилиш материаллари, янгича ускуналар, масалан, оддий иссиқ пол хонадонни яхшироқ иситмоқда. Хуллас, масаланинг ўзига яраша плюс ва минуслари бор.

Лекин ишлаб чиқариш жиҳатидан мамлакатимиз энергетика тизими охириги йилларда дунё эътирофи этакдиган даражадаги кўрсаткичларга эришаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Яъни Ўзбекистон муқобил энергия манбаларини ишга тушириш ва улардан электр энергияси олиш бўйича қисқа вақтда қатта тажриба тўплаб, бу йўналишда етакчи давлатлар қаторига қўшилди. Маълумотларга кўра, бутунги кунда юртимизда умумий қуввати 5582 мегаватт бўлган қуёш ва шамол электр станциялари, 400 мегаватт гидроэлектр станциялар ишлаб турибди.

Мамлакатимиз энергетика тизимига кейинги йилларда 35 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиниб, 9 минг мегаватт янги қувватлар ишга туширилган. Натижада юртимизда электр ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилдаги 60 миллиард киловатт-соатдан жорий йилда 85 миллиард киловатт-соатга етган. Бу қувватлар юртимизда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси ҳажмининг қаррасига оширмоқда. Жумладан, жорий йил 8 декабрь ҳолатига кўра, Ўзбекистондаги қуёш ва шамол электр станциялари томонидан ишлаб чиқарилган электр энергияси ҳажми 10 миллиард киловатт-соатга етди. Бу рақамлар аҳоли хонадонларидаги иситиш тизимини электрлаштириш ўзини оқлаши мумкинлигини кўрсатади.

100 Мегаватт янги қувват

Ҳозирги кунда сонаот корхоналари ҳам аста-секин муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга ўтиб борапти. Ҳатто иссиқлик энергияси ишлаб чиқариладиган корхоналар ҳам бевосита электр энергиясига боғланыпти. Масалан, Тошкент шаҳрида бир вақтнинг ўзида электр ва иссиқлик ишлаб чиқариладиган қатор замонавий қогонерация қурилмалари ишга туширилмоқда. Улар аҳоли ва иктиодиёт объектларини қиш мавсумида иссиқлик ва электр энергияси билан барқарор ҳамда узлуксиз таъминлашга хизмат қилади.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида шундай йирик қувватли қогонерация станцияси барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Жорий йилнинг 16 декабрь кунини давлатимиз раҳбари Юнусобод туманида бўлиб, янги станция фаолияти билан ҳам танишди. Сал аввалроқ бир гуруҳ журналистлар ана шу станцияда бўлган эдик. Замонавий талаблар асосида барпо этилган мазкур 4-иссиқлик марказини юртимизда иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқаришининг янги босқичи дейиш мумкин. 100 мегаватт қувватга эга бу лойиҳа Хитойнинг “CNTIC” компанияси билан ҳамкорликда 3,5 гектар майдонда амалга оширилган. Қогонерация иншоотида Буюк Британиянинг “Роллс-Ройс” компаниясининг 70 та газ-поршен ускунаси ўрнатилган.

Марказда йилга 876 миллион киловатт-соат электр энергияси ва 858 минг гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади. Йилга 35 миллион куб метр табиий газ иқтисод қилинади. Асосийси, эндиликда пойтахтнинг Юнусобод, Олмазор, Шайхонтоҳур, Мирзо Улўғбек ва Яққасарой туманларида жойлашган жами 1 минг 846 та объект доимий иссиқлик энергияси билан таъминланади. Уларнинг 1 минг 400 таси аҳоли хонадонини, қолган қисми эса ижтимоий соҳа объектларидир.

Яъни бутун аҳоли сони билан бирга истеъмол талаби ҳам тобора ортиб бораётган шароитда табиий газ ёки электр энергияси бўлишидан қатъи назар, истеъмолчиларга узлуксиз етказиб беришда энг тежамкор, мақбул ечимларни қўллаш заруратга айланган. Албатта, бу одамларнинг турмуш фаровонлигига ҳам, чўнтагига ҳам зарар қилмаган ҳолда амалга оширилиши асосий мезон бўлиши керак. Электр энергияси билан боғлиқ лойиҳалар эса дунё бўйича кенг оммалашяпти. Уларни муқобил энергия манбалари ҳисобидан қоплаб олаётган давлатлар эса янада самарали натижаларга эришмоқда.

(“Янги Ўзбекистон” газетасидан олинди).





Yaqinlashib kelayotgan

Yangi yil

bilan barchangizni tabriklaymiz.

Xonadoningizga fayzu baraka, quvonch va shodlik,
ezgu ishlaringizda muvaffaqiyat tilaymiz.

**Toshkent shahar Qurilish va uy-joy
kommunal xo'jaligi sohasida hududiy
nazorat qilish inspeksiyasi**

**Toshkent viloyati
Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi sohasida
hududiy nazorat qilish inspeksiyasi**

Har bir qalbgga yangi orzular,
yangi quvonch va shodlik ulashuvchi
bayram barcha yurtdoshlarimizga
muborak bo'lsin!

Kirib kelayotgan

YANGI – 2026-YIL

barakali, fayzli va omadli bo'lsin!





QISHLOQQURILISHLOYIHA

Jonajon vatanimiz ravnaqi
yo'lida mehnat qilayotgan
yurtdoshlarimizga

YANGI YIL QUTLUG' BO'LSIN!

Bu yilda amalga oshmagan barcha
rejalaringiz kelgusi yilda amalga oshsin!
Bayramingiz muborak bo'lsin!





"O'ZSHAHARSOZLIK LITI"

**Mo'jizalarga boy, barchamiz uchun
birdek sevimli bayram –**

Yangi yil

eshik qoqmoqda.

**Shunday shukuhli pallada neki ezgu niyatlaringiz
bo'lsa, hammasi amalga oshsin!**

**Dillaringiz shodlikka, hayotingiz omad va
zafarga to'la bo'lsin!**





O'ZGASHKLITI
QURILISHDA MUHANDISLIK QIDIRUVLARI,
GEOAXBOROT VA SHAHARSOZLIK KADASTRI
LOYIHA ILMIY-TEKSHIRISH INSTITUTI

YANGI 2026-YIL MUBORAK BO'LSIN

YIL DAVOMIDA OMAD, BAXT VA FAROVONLIK
SIZGA HAMROH BO'LSIN! HAYOTINGIZ YANGI
IMKONIYATLAR VA YUTUQLARGA BOY BO'LSIN!



Samarqand viloyatidagi
“ME'YOR QURILISH ASFALT” MChJ
JONAJON DIYORIMIZNING
MEHNATKASH XALQINI
YANGI – 2026-YIL
BILAN TABRIKLAYMIZ.



Samarqand viloyatidagi
“TOLIB BOBO AKT” MChJ
Samarqandlik faxriy quruvchi Amon Tolipov
vatanimiz rivojiga hissa qo'shib kelayotgan barcha
bunyodkorlarni, qolaversa, yurtimiz ahlini
YANGI – 2026-YIL
bilan qutlab, xonadonlariga fayzu baraka,
tinchlik va xotirjamlik tilaydi.

Samarqanddagi “AGROMIR BUILDINGS” MChJ

Yangi orzular, quvonch va shodlik bayrami –

Yangi yilingiz muborak bo'lsin!

Xonadoningiz tinch, qalbingiz
xotirjam va baxtga to'lsin.

2026-yil barakali va mazmunli
yil bo'lsin.



Dillarga quvonch, qalblarga ishonch
bag'ishlovchi eng quvnoq bayram –

Yangi yil

bilan barchangizni tabriklaymiz.

Samarqand viloyatidagi
“UNIVER PRO STILE” MChJ

ЖИЗНЬ БЕЗ ДОЛГОВ: МИФ ИЛИ СТРАТЕГИЯ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ

Нилуфар МАВЛЯНОВА, старший преподаватель Ташкентского государственного экономического университета.

Ещё десять-пятнадцать лет назад слово “кредит” воспринималось с осторожностью. Сегодня же заёмные средства стали привычной частью повседневной жизни: кредитные карты, ипотека, автокредиты прочно вошли в финансовые планы многих семей. Вместе с этим выросла и долговая нагрузка населения, которая всё чаще выходит за рамки временного решения и превращается в устойчивую модель поведения.

По данным Центрального банка Республики Узбекистан, на 1 августа 2025 года совокупный долг населения составил 20,8 трлн сумов. За этой цифрой стоят не только макроэкономические показатели, но и реальные жизненные ситуации. Для одних кредит остаётся инструментом улучшения качества жизни, для других – источником постоянного финансового напряжения. Особенно настораживает тот факт, что значительная часть заёмщиков обслуживает сразу несколько обязательств, перекрывая одни кредиты другими.

Наибольшую долю задолженности формируют потребительские кредиты и кредитные карты, за ними следуют автокредиты и ипотека. Такая структура ограничивает финансовую гибкость домохозяйств и повышает их уязвимость к колебаниям доходов. В этих условиях всё чаще звучит идея жизни без долгов – как символа стабильности, предсказуемости и внутреннего спокойствия.



Однако реальность сложнее. Современная экономика устроена так, что без заёмных средств многим гражданам трудно решить базовые вопросы – приобрести жильё, получить образование или обеспечить стартовые условия для семьи. Полный отказ от кредитов не всегда рационален и зачастую недостижим. Более устойчивым оказывается подход, при котором человек стремится не к отсутствию долгов как таковых, а к осознанному контролю над ними.

В экономической практике принято различать “хороший” и “плохой” долг. К первому относятся заимствования, направленные на долгосрочные цели – образование, жильё, развитие человеческого капитала. Такие кредиты при взвешенном подходе могут способствовать финансовой устойчивости. “Плохой” долг, напротив, связан с высокими процентами и расходами на быстро обесценивающиеся покупки, что увеличивает нагрузку на бюджет и снижает устойчивость семьи.

Жизнь без долгов имеет очевидные преимущества: снижение стресса, прозрачность бюджета, свободу в принятии решений. Но она требует высокой финансовой дисциплины, умения планировать и откладывать, а также готовности отказываться от импульсивных трат. Для большинства граждан более реалистичным становится путь постепенного сокращения долговой нагрузки – через анализ доходов и расходов, отказ от необязательных заимствований и повышение финансовой грамотности.

В конечном счёте выбор между жизнью с долгами и без них остаётся личным. Важно не противопоставлять эти подходы, а находить баланс, при котором заёмные средства служат развитию, а не становятся бременем. Финансовая свобода формируется не из быстрых решений, а из устойчивых привычек – считать, планировать и принимать взвешенные решения. Именно такой подход позволяет строить прочное будущее без иллюзий и крайностей.

Biznesni Rivojlantirish Banki

Yangi 2026 yilingiz muborak bo'lsin!

BRB ilovasi bilan bank xizmatlari tezkorligini his eting

Ilovani yuklab oling va foydalanishni boshlang

1254
www.brb.uz

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил 30-31 декабрь ва 2026 йилнинг 1-15 январь саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Қўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти бош мутахассислари **Анвар Ёрқулов**, **Бегзодбек Умаров**, Уй-жойлар қурилишини ривожлантириш ва мақсадли дастурларни мониторинг қилиш бошқармаси бош мутахассиси **Азамат Эламонов**, етакчи мутахассис **Гулчехра Аблақимова**, Жамоатчилик билан алоқалар бўлими (ахборот хизмати) Матбуот котиби-вазирнинг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси **Саидносир Усманов**, Мурожаатлар билан ишлаш ва диспетчерлик хизмати бўлими бош мутахассислари **Дилфуза Джалилова**, **Дибра Абдуллаева**, **Дилорам Сатимова**, Иқтисодий исплохотлар ва стратегик режалаштириш бўлими бошлиги ўринбосари **Алижон Алимухамедов**, Хўжалик ишлари бўлими иш юритувчиси **Наталья Инамова**, Давлат архитектура назорати департаменти бош мутахассиси **Рустам Курганбаев**, Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бош мутахассиси **Низамжон Искандаров**, Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бошлиги ўринбосари **Абдуғани Лапасов**, Коррупцияга қарши курашиш бўлими бош мутахассиси **Учқун Рўзиев**,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ички аудит бош мутахассиси **Анвар Тўйчиев**, Қўп квартиралли уй-жой фондини бошқариш қоидаларига риоя этилиши назоратини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Ўрал Зияев**, хайдовчи **Абдулазиз Салимов**,

"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бош мутахассиси **Зайниддин Назаров**, Матбуот котиби **Дурбек Раҳмонов**,

"Urbanizatsiya va shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish Respublika markazi" ДМ шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, лойиҳаларни бошқариш ва таҳлил қилиш бўлими етакчи мутахассиси **Ақромхон Сайфиев**, Шаҳарсозликка оид ахборот-дастурий тизимларини юритиш бўлими бош мутахассиси **Отабек Комилов**, Инсон ресурсларини бошқариш бўлими бош мутахассиси **Наргиза Ўринова**,

"Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi" Ахборот-коммуникация технологияларини мониторинг қилиш бўлими бош мутахассиси **Юсуф Худайбердиев**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти маслаҳатчиси **Баҳодир Ходжаев**, бош мутахассислар **Наргиза Исламова**, **Наталья Зайцева**, **Сардор Тоиров**,

"Қишлоққурилишлойиҳа" бош лойиҳа қидирув институти ДМ Намунавий лойиҳалар бўлими бошлиги **Достон Маҳмадиев**, Архитектура ва қурилиш экспериментал лойиҳалаш бўлими бошлиги **Акрам Мирҳолиқов**,

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" ДМ лойиҳа бош мутахассиси **Дилора Ҳасанова**, бош мутахассиси **Насиба Улугова**, муҳандис **Николай Ким**, бош мутахассис **Асрор Юнусов**, техник **Сардор Обиджонов**, бўлим бошлиги **Игорь Нестеров**, етакчи муҳандис **Яхё Тошпўлатов**, етакчи муҳандис **Толибжон Алимбоев**, етакчи мутахассис **Дилшод Аҳмедов**, "Шимоллий" филиал иш юритувчиси **Абдуалий Дауырханов**, "Жанубий" филиал директори **Анвар Воҳидов**,

"Ўзғирсанотлоийиҳа" АЖ ИЛСК муҳандиси **Фарида Низамутдинова**, техник **Туялган Тишабаев**, МТ етакчи муҳандиси **Шомурод Ядгаров**, ОВ сектор бошлиги **Бахтиёр Саидов**, ОИСК бош мутахассиси **Абдулазиз Ҳасанов**, ИЛСК муҳандиси **Гулможон Ботиров**, муҳандис **Латофат Расулова**,

Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими Архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Жаҳонгир Эрматов**, Уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Балтабай Алимов**, Чимбой тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош архитектори **Аҳмед Жаксымурагов**, Нукус шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Қалибек Алиев**, Қоровул **Салауатдин Ешимбетов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиги ўринбосари **Даулетмурат Абдимуратов**, бош мутахассислар **Айдос Аташов**, **Бахтияр Канниязов**, шўба бошлиги **Алпаяр Тажимуратов**, мутахассис **Исламбек Жусипбаев**, хайдовчи **Султанбек Тенелбаев**,

Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Инсон ресурсларини бошқариш бўйича бош мутахассиси **Сардорбек Каримов**, Асака тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Ҳикматилло Муратов**, Избоскан тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Мўминжон Кенжабоев**, Хўжаобод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Асилбек Зухриддинов**, АРТ мутахассиси **Дилмуроджон Каримов**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи инспектори **Шухрат Саидов**, етакчи мутахассиси **Алибек Ҳамдамов**,

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бош юриконсулти **Исматилла Улашов**, Муборак тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Отабек Жабборов**, Чирочқчи тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассис **Мироллим Хонкулов**, Яқкабод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиги **Ашрафжон Бердиқобилов**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси **Гулрўх Бердиева**, бўлим бошлиги **Аслиддин Тўйлиев**, етакчи мутахассис **Анвар Воҳидов**, бош мутахассис **Ражаббай Баймуратов**,

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бош бухгалтер **Синдор Нуриддинов**, шўба бошлиги **Илёс Ҳасанов**, Боеўт тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлим бошлиги **Жаҳонгир Турдимуродов**,

"Бухоронергомарказ" АЖ ПТО **Улугбек Нарзуллаев**,

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги "Kommunal Xizmet Oray" БСК МЧЖ бош директори **Гўзал Балташова**, Тахياتош туманидаги "Taqiyatas Basqariw Servis Kompaniyasi" МЧЖ бош директори **Азамат Айтмуратов**, Андижон вилояти Андижон шаҳридаги "Шинам маҳалла" БСК МЧЖ бош директори **Азизбек Абдусатторов**, "Дуқчи эшон обод уйлари" БСК МЧЖ бош директори **Эльмира Лямина**, Жалақудуқ туманидаги "RMS BRAND" БСК МЧЖ бош директори **Акмалжон Иброҳимов**, Избоскан туманидаги "Пойтуғ обод уйлари" БСК МЧЖ бош директори **Мўминжон Кенжабоев**, Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги "Davtonova Malika" БСК МЧЖ бош директори **Малика Давронова**, Косон шаҳридаги "Quruvchi Shermuhammadali" БСК МЧЖ бош директори **Гулноз Асадова**, Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги "Иттифоқ Истиқлол Сари" БСК МЧЖ бош директори **Дилорам Ҳамзаева**, Мирзачўл туманидаги "Мирзачўл Имрон таъмирлаш сервис" БСК МЧЖ бош директори **Суён Тоғаев**, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги "Тўлқин Мавжуда" БСК МЧЖ бош директори **Эркин Тошов**, "Жовлон-Зуфар бошқарув компанияси" МЧЖ бош директори **Фарход Убайдуллаев**, Косон туманидаги "Бунёдкор улкан бошқарув сервис" МЧЖ бош директори **Шавкат Ҳазратов**, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги "Янги ҳаёт орзуси" БСК МЧЖ бош директори **Рауза Жаппасова**, Янгиер шаҳридаги "Янгиер коммунал таъмирлаш сервис" БСК МЧЖ бош директори **Санобар Атабоева**, Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги "Bekobod dom servis" БСК МЧЖ бош директори **Умиджон Қурбонов**, Янгийўл шаҳридаги "Строй Эверест Мастер" БСК МЧЖ бош директори **Шокир Бошқобилов**, Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги "Урганч билдинг ПБК" МЧЖ бош директори **Замира Абдиримова**, Урганч шаҳридаги "Техник хизмат кўрсатиш ПБК" МЧЖ бош директори **Рустам Атаджанов**, Богот туманидаги "Хунарманд таъмирлаш тиклаш ПБК" МЧЖ бош директори **Эркин Қурбонов**, Хонқа туманидаги "Хонқа таъмир ПБК" МЧЖ бош директори **Алишер Қуриязов**, Тошкент шаҳар Миробод туманидаги "Anor Communal" БСК МЧЖ бош директори **Наргиза Джуманиязова**, Миробод туманидаги "Proservicecorp" БСК МЧЖ бош директори **Камолддин Минаров**, "Sifatli Tezkor Lider" БСК МЧЖ бош директори **Дилфуза Вафина**, Мирзо Улуғбек туманидаги "Ta'mirlash Xizmat Ko'rsatish" БСК МЧЖ бош директори **Раҳим Асильов**, Олмазор туманидаги "Galaba Nihollari Servis Boshqaruv Kompaniyasi" МЧЖ бош директори **Марғуба Эшметова**, Учтепа туманидаги "Lider Group" БСК МЧЖ бош директори **Дияна Таранова**, Чилонзор туманидаги "Силвер сити" БСК МЧЖ бош директори **Жалолддин Хўжаназаров**, Шайхонтоҳур туманидаги "Янги Белтепа сервис" БСК МЧЖ бош директори **Жаҳонгир Эркабоев**, Юнусобод туманидаги "Пук Мирюнус Профессинал" БСК МЧЖ бош директори **Дилбар Ҳашимова**,

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги "Samira-Samina-Sadika" уй-жой мулкдорлари шirkати бош директори **Илҳом Маҳмудов**, Шайхонтоҳур туманидаги "Sebzar-Communal-UJMSH" бош директори **Павел Гретченко**ларни таваллуд қуни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲҚАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!

“Янги Ўзбекистон” массиви – Марғилоннинг замонавий маскани

Сардорхон СОДИҚХОНОВ, Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси етакчи мутахассиси, архитектор.

Марғилон шаҳрида аҳоли учун замонавий ва қулай яшаш муҳитини таъминлаш мақсадида икки йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. “Наврўз” МФЙ Янги ҳаёт кўчаси ҳудудидаги 117 гектар ер майдонида “Б. Марғиновий илмий-тадқиқот ва туризм” мажмуаси ҳамда “Янги Ўзбекистон” уй-жой массиви барпо этилиши режалаштирилган.

Ушбу ҳудудда шаҳар аҳолиси зичлиги юқори: 1 квадрат километр майдонга 1500 киши тўғри келади, бу эса белгиланган меъридан анча юқори ҳисобланади. 1992-2016 йилларда шаҳарда бор-йўғи 11 та кўп қаватли уй қурилган, натижада бир ҳовлида 3-4 оила яшашга мажбур бўлган.

Президентимизнинг 2024 йил 11-12 июль кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратилди ва Фарғона тумани ҳудудида “Янги Ўзбекистон”

уй-жой массиви учун майдон ажратилди. Бу қарор маҳаллий аҳоли учун замонавий яшаш муҳитини таъминлашда муҳим қадам бўлди. Мастер режа Туркиянинг “Студия Вертебра” компанияси томонидан ишлаб чиқилган. “Янги Ўзбекистон” массиви ҳамда Б. Марғиновий номидаги илмий-тадқиқот ва туризм марказида ўқув маркази, миллий услубдаги меҳмонхоналар, мақом театри, илмий-тадқиқот маркази, мадраса, анжуманлар зали, масжид, музей, Отабек-Қумуш уйи, қарвонсарой, 30 та



савдо ва хизмат кўрсатиш маркази, кафе-ресторанлар, ҳаммом ва гастрономик марказ ҳамда истироҳат боғи барпо этилади.

Бу йирик комплекс нафақат туризм салоҳиятини оширади, балки маҳаллий аҳоли учун иш ўринлари ва ижтимоий инфратузилмани ҳам кенгайтиради. Бугунги кунда тадбиркорлар маблағлари ҳисобига 30 та савдо ва хизмат кўрсатиш маркази, қарвонсарой, кафе-ресторанлар, ҳаммом, бозор ва меҳмонхона объектларида қурилиш-монтаж ишлари лойиҳа билан параллель олиб борилмоқда. Давлат бюджети ҳисобига музей, мақом театри, Отабек-Қумуш уйи ва муסיқали фонтан объектлари қурилиши ҳам жадал давом этмоқда.

Хусусий пудрат ташкилотлари томонидан 21 та 12-16 қаватли уй-жойда

қурилиш бошланган бўлиб, шу кунгача 6 та 435 хонадонли уй фойдаланишга топширилди. Қолган 15 та 1442 хонадонли уйларида қурилиш-монтаж ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Массивда 990 ўринли умумтаълим мактаби, 330 ўринли мактабгача таълим ташкилоти ва оилавий поликлиника бинолари ҳам қуриляпти.

Давлат бюджети маблағи ҳисобига коммуникация тармоқлари сифатли тортилмоқда. Ички йўлларда яшил ҳудудлар, пидедалар ва велосипед йўлаклар, ногиронлиги бор шахслар учун алоҳида ҳаракатланиш йўлакларини ҳам ташкил этилмоқда. Уйлар марказлашган иситиш тизими билан жиҳозланади, том қисмида қуёш панеллари ўрнатилди. Монолит таянч устуни ва базальт қопламаси уйлarning узок муддатли ва барқарор бўлишини таъминлайди. Биринчи ва иккинчи қаватларда савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, ертўлада эса автотураргоҳлар ташкил этилади.

Бундай кенг қўламли лойиҳалар шаҳар қиёфасини замонавийлаштириш, аҳоли учун қулай ва фаровон яшаш муҳитини яратишда муҳим аҳамиятга эга. Янги уй-жойлар ва илмий-тадқиқот маркази нафақат шаҳар туризм салоҳиятини оширади, балки маҳаллий аҳоли учун иш ўринлари, хизматлар ва ижтимоий инфратузилмани ҳам кенгайтиради.

– Хар бир иш замонавий лойиҳалар асосида амалга оширилмоқда, – деди Фарғона вилояти бош архитектори Фахриддин Абдулатипов. – Бу лойиҳалар шаҳарни нафақат кўркам ва замонавий кўринишга келтиради, балки аҳоли ҳаётига қулайлик ва фаровонлик ҳам олиб келади.



Пиёдалар учун яна бир қулайлик яратилди

Зулфизар МАВЛОҒОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Машина харид қилаётганлар сони кўпайгани сари ҳайдовчи ҳам, пиёда ҳам ўз йўлини топиши қийинлашаётгандек, гўё. Айниқса, аҳоли гавжум ҳудудлар атрофида кузатиладиган тирбандликлар одамларни бир неча дақиқа эмас, баъзан чорраҳада бир неча бор тўхтаб ўтишга мажбур қилади. Бу ҳолатларнинг олдини олиш учун жойларда ер ости йўллари барпо этилмоқда.

Бухоро вилояти Қорақўл тумани марказидаги энг гавжум нуқтада, Қорақўл марказий дехқон бозори қаршисида янги ер ости пиёдалар ўтиш йўли фойдаланишга топширилди. Қурилиш жараёнида ҳудуднинг геологик хусусиятлари ўзига яраша синовили вазиятларни келтириб чиқарди. Захлик, ер ости сувларининг юқорилиги, туپроқнинг нотекислиги мутахассисларни анча тер тўкишга мажбур қилди. Аммо, қўлланилган технологиялар, дренаж тизимининг пухта лойиҳаланиши ва сифатли материаллар сабаб туннель узок вақт хизмат қилишга қодир инфратузилма сифатида баҳоланди.

67 метр узунлик, 4 метр кенглик ва 2,5 метр балангликдаги ушбу ер ости йўли имконияти чекланган фуқаролар учун ҳам тўлиқ мослаштирилган. Пандуслар, тутқичлар, хавфсизлик стандартларига мос жиҳозларнинг барчаси замонавий талаблар асосида ўрнатилди. Объектнинг қурилиши “Узйўлқўприк кластери” ДМ томонидан “4р66 автйўли-А380 автйўли-Варахша қ.-Мохонқўл даҳаси-Қорақўл ш.” йўлининг 82,2 километрида амалга оширилди. Мазкур лойиҳа қиймати 8,2 миллиард сўмини ташкил этди.

– Бозор ёнидан ўтиш биз учун анчадан бери хавотирли эди, – деди ҳудудда яшовчи фуқаро Фаррух Турақулов. – Машиналар сони кўпайган. Бунинг устига ҳаётимиз ҳам тигизлашиб бормоқда. Ер ости йўлининг қурилгани тўғрисида энди болаларимни бемалол бозорга олиб кела олам. Илгари хар гал йўлдан ўтаётганда бир четда тўхтаб, оқимдан кўз узмай юрардик. Бу туннель бизга тинчлик берди, очиги, шунақа қулайлики анчадан бери кутаётган эдик.

Янги ер ости йўли Қорақўл марказидаги тирбандликларни енгиллаштириш, пиёдалар хавфсизлигини таъминлаш ва бозор ҳудудидаги ҳаракатни тартибга солишда муҳим қадам бўлди. Айтиш мумкинки, бу лойиҳа нафақат қурилиш объектининг очирилиши, балки туман ҳаётидаги хавфсизлик ва қулайлик тамойилларига янги ёндашувнинг бошланиши ҳамдир.



Ер ости йўлининг қурилиши қийинчиликлар билан кечганлиги ва унда қурувчилар анча тер тўққанлиги инобатга олиниб, очириш маросимида уларнинг оғир меҳнати алоҳида эътироф этилди. Фидойилик кўрсатган ишчиларга туман ҳокими томонидан эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, йўл инфратузилмасини замонавийлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларга оид келгусидаги ислохотлар ҳам режалаштирилган.

Байрамни янги уйда кутиб олиш – катта бахт

Ҳамза ШУКУРОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Пастдарғомлик малакали қурувчи Сарвар Эгамбердиев “Sar House Sity Buil”, “Turon-SSS Omad Qurlilish”, “Sar House Story Build” масъулияти чекланган жамиятлари таъсисчи, “Kelajak Yuksalish Qurlilish” МЧЖ ҳамда “Yuzarsif” оилавий корхоналари раҳбари.



Унинг бошчилигидаги жамоалар Самарқанд шаҳри ва туманларда бунёдкорлик ишларини амалга ошириб, элнинг дуосига сазовор бўлиб келмоқда. Ҳозирда Кимёгарлар кўрғонида 240 хонадонли беш қаватли турар жой қурилиши жадал суръатларда олиб бориляпти. Шунингдек, Қуйи туркман маҳалласи ҳудудида 15 та тўққиз қаватли турар жой биноси ҳам барпо этилмоқда. Бундан ташқари, Пастдарғом туманидаги Балхиён маҳалласида икки қаватли коттеж уйлар қурилиши эса ниҳоятда етказилди.

Буларнинг барчаси, янги йил арафасида яна кўплаб юртдошларимиз янги хонадонларга эга бўлишдан даррақдир. Янги йилни янги уйда кутиб олиш эса, ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган катта бахт.

Айни пайтда Сарвар Эгамбердиев бошчилигидаги бунёдкорлар Са-

марқанд шаҳрининг Вокзалорти ҳудудида ва Ширин массивида қурилиш ишларини олиб бормоқда. Бу ҳудудларда ҳам аҳоли учун шинам уй-жойлар барпо этиляпти.

Сарвар Эгамбердиев ҳалқимизга замонавий уй-жойлар қуриб беришдан ташқари, кам таъминланган аҳолидан ҳам ёрдамни аямайди. Жумладан, Пастдарғом туманида кам таъминланган оилаларнинг 21 нафар фарзандининг хатна тўйини ўтказиб берди. Фаолияти давомида кам таъминланган фуқаролар ҳаётини яхшилаш, уларни касб-хунарга ўргатиш борасида қатор ишларни амалга оширган. Гулобод маҳалласига янги бино қуриб, совға қилган. Бундан ташқари, қурилиш соҳасида ишлаб келаётган 300 дан ортқ кишини иш билан таъминлаш орқали кўплаб оилалар фаровонлигига ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Янги объектлар – аҳолига байрам совғаси бўляпти

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Янги йил – ҳалқимиз учун энг қувончли, завққа тўла онларни ҳаёда қилувчи байрам саналади. Яқинлашиб келаётган 2026 йилни ҳам муносиб кутиб олиш мақсадида қўли гул қурувчиларимиз томонидан барпо этилган замонавий иншоотларнинг фойдаланишга топширилаётгани аҳолига ҳақиқий байрам совғаси бўлмоқда.

200 ўринли меҳмонхона фойдаланишга топширилди



Президентимиз томонидан Қорақалпоғистон учун алоҳида берилган имтиёз ва имкониятлар асосида Янги йил байрами арафасида минтақамиз учун аҳамиятли объектлар фойдаланишга топширилмоқда. Хусусан, яқинда Нукус шаҳрида янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилган “Ramada” меҳмонхонасининг очилиш маросими ўтказилди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрқорғи Кенгесининг Раиси Аманбай Оримбаев сўзга чиқиб,

йиғилганларни янги туризм объекти билан табриклади.

Таъкиллаш жоизки, “Karakalpak Palace” жамияти томонидан халқаро “Ramada by Wyndham” бренди остида 10 миллион доллар маблағ ҳисобига қурилган меҳмонхона ишга тушиши натижасида бир вақтинг ўзида 200 меҳмонни қабул қилиш имконияти яратилди. Ушбу янги туризм объектида ҳалқимиз, маҳаллий ва хорижий меҳмонлар учун барча қулай шароитлар яратилган.

Гимнастика маркази барпо этилди



Мамлакатимизда барча соҳалар қатори спорт соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, ёшларни спортга кенг жалб этиш, улар орасидан юртимиз шўхратини дунёга танитадиган спортчиларни етиштириб чиқариш янги босқичга кўтарилмоқда.

Бу борада Президентимизнинг алоҳида меҳри ва эътибори билан Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ишларга тўхталадиган бўлсак, 14 миллиард сўм маблағ асосида Нукус Олимпия ва Паралимпия марказида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. 107 миллиард сўм маблағ эвазига “Турон” футбол стадионида ҳам реконструкция ишлари давом эттириляпти. Бундан ташқари, Янги йил байрами арафасида “Қураш маҳорати мактаби” фойдаланишга топширилди.

Ана шундай эзгу ишлар қаторида бугун Гимнастика марказининг очирилиш маросими ўтказилди. Қарийб 80 миллиард сўм маблағ ҳисобига замонавий кўринишда қуриб биттирилган ушбу объектада спортчи ёшлар учун барча қулайликлар яратилган бўлиб, керакли жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди.

400 ўринли корхона ишга тушди



Нукус шаҳрида ҳалқимизнинг фаровон турмушини таъминлашда муҳим ўрин тутадиган умумий қиймати 48,5 миллион доллар бўлган “Нукус ССП Технопарк” корхонаси ишга туширилди.

Янги корхона йилига 18 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга ва бу ерда 400 иш

ўрни яратилган. Албатта, бу корхона ҳалқимиз фаровонлиги йўлида юртимиз иқтисодиёти ва sanoatини ривожлантиришга узок йиллар давомида хизмат қилади.

Шунингдек, Янги йил байрами арафасида ҳудудда яна 30 дан ортқ қурилиш объектлари фойдаланишга топширилмоқда.



“Shaharsozlik hujjatlari ekspertiza qilish Respublika markazi” DM

**Yangi O‘zbekistonimiz ahliga dillarga shodlik va
quvonch ulashib kirib kelayotgan**

Yangi yil

qutlug‘ bo‘lsin!

Barcha ezgu niyatlaringiz ro‘yobga chiqsin!
Yurtimiz ravnaqi yo‘lida mehnat qilishdan aslo, charchamang!



2026